

А.Солиев, Р.Махамадалиев



**ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ
ГЕОГРАФИЯНИНГ АСОСИЙ
МУАММОЛАРИ**

Ташкент – 2002

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

А. Солиев, Р. Махамадалиев

ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ
ГЕОГРАФИЯНИНГ
АСОСИЙ МУАММОЛАРИ

(ўқув қўмлланма)

Тошкент – 2002

Ўқув қўлланмада иқтисодий ва социал география фанининг назарий, услубий ва амалий муаммолари баён этилган. Шунингдек, ишда иқтисодий географиянинг асосий принциплари, мазкур фаннинг Ўзбекистон Республикасида ривожланиши, минтақавий демографик муаммолар ҳам кўриб чиқилган.

Қўлланма география ва минтақавий иқтисодиёт йўналишларидағи талаба, магистр ҳамда аспирантларга мўлжалланган.

Масъул мухаррир:

проф. Ахмедов Э.А.

Тақризчилар:

профессор Акрамов З.М.

доц. Азимов Ш.А. (ЎзФА)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий кенгашининг 2000 йил 28 январ 5–сонли мажлиси қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Сўз боши

Ҳар қандай ривожланиш остида муаммолар ечими туради. Бу диалектика, яъни қарама – қаршилик қонунининг бир кўринишидир. Муаммолар кўп ва хилма – хил; бундай шароитда муаммоларнинг даражаси, долзарблиги, устуворлиги тўғрисида гап бориши керак.

Муаммо – энг аввало имконият ва воқелик, талаб (эҳтиёж) билан таклиф орасидаги номувофиқликлардан келиб чиқади. Шунингдек, у ўрганилаётган ёки кўрилаётган соҳадаги тушунмовчиликлар, ноаниқликлар билан ҳам боғлиқ. Чунончи, географиянинг, шу жумладан иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммоси – бу, энг аввало, унинг номи, аталиши ва таърифиdir.

Маълумки, ҳозирги кунда анъанавий иқтисодий география билан бир қаторда иқтисодий ва социал география, иқтисодий ва ижтимоий география, социал – иқтисодий география, ижтимоий – иқтисодий география, ижтимоий география каби атамалар ишлатилмоқда. Демак, бу ерда ҳам аниқлик мавжуд эмас. Бинобарин, айтиш мумкинки, юзага келган ҳолат ҳам ўзига хос "ўтиш даври" – ни ифодаламоқда.

Яна бир тушунмовчилик: иқтисодий география билан унинг таркибий қисмлари (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, аҳоли географияси ва ҳ.к.) ўртасида лугавий ғализлик ёки тушунмовчилик сезилиб турибди. Сабаби – таркибий фанлар аталиши оддий, яъни ниманинг географияяси (саноатнинг, транспортнинг ва б.) эканлигини билдиради, иқтисодий география эса мутлақо бошқача бўлиб, у географиянинг сифатини англатади.

Бу ерда, агар тизим – таркиб қоидасига риоя қилсак, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт географиясининг оддий арифметик йиғиндиси иқтисод географияси бўлиши керак эди. Аслда эса, у иқтисод эмас, балки иқтисодий география бўлди, яъни миқдор ўзгаришлар сифат кўрсаткичларга ўтди, етук, мураккаб ва мукаммал тизим (система) шаклини одди.

Худди шундай, ушбу фаннинг предмети, яъни унинг нимани ўрганиши ҳам ҳар хил тавсифланади, таърифланади. Муаллифнинг бу масалага муносабатини унинг сўнгги

йилларда нашр қилдирған китоб ва рисолаларидан топиш мүмкін (адабиёттар рўйхатига қаранг).

Айни вақтда ўқув құлланмада иқтисодий ва социал географиянинг асосий түшунча ва гоялари – жудудий меңнат тақсимоти, қудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, иқтисодий географик ўрин, иқтисодий районлаштириш муаммолари ҳам махсус ва батафсил күрилмаган. Улар А.Солиевнинг З.Тожиева билан ҳамкорликда ёзган "Иқтисодий ва социал география асослари" (Г.,1999) маъruzга матнида баён этилган. Бинобарин, мазкур мавзулар тафсилоти билан танишиш учун талаба ва магистрларнинг юқоридағи манбага муржаат қилишларини тавсия этамиз.

"Иқтисодий ва социал географиянинг асосий муаммолари" бакалавриатнинг сұнгги, яъни 8–ярим йиллитеттіде ўқытылади. У бириңчи курсда ўқылған "Иқтисодий ва социал географияга кириш" ўқув предметининг якуни сифатида хизмат қылади. Чунки, бириңчи курсдан кейин талабалар иқтисодий ва социал географиянинг алоқида соҳалари – саноат, қишлоқ хұжалиғи, ақоли, транспорт, шаҳарлар географияси, ақолига хизмат күрсатыш соҳалари географияси, иқтисодий географиянинг тадқиқот усуллари кабиларни ўрганадилар. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда мазкур фаннинг дифференция, "парчаланиш" жараёни ўрганилиб, сұнгра яна интеграция, умумлашув даражасига қайтарилади; "кириш – чиқиши" билан ўз ниҳоясига етади. Бироқ, бу ўқув жараёнининг энг сұнгги, охирги нұқтаси әмас. Аксинча, күрилаёттан ва мавжуд бошқа муаммоларнинг ечими ўз навбатида илмий фаолиятнинг магистратура ва аспирантура босқичларига "кириш" вазифасини ўтайды, деган умиддамиз.

Умуман олганда, география фанининг муаммолари жуда күп ва серқиrrа. Аммо, географлар ўз муаммолари билан баъзан бошқалардан кейин, яъни кечроқ шугулланадилар. Масалан, географик детерминизм, геосиёсат, миңтақавий иқтисодиёт каби масалаларни даставвал географлар әмас, балки бошқа фан вакиллари (социологлар, файласуфлар, иқтисодчилар) күтартғанлар.

Шу билан биргә географлар айни пайтда ўзлари учун энг муҳим бўлган ютуқларни, фундаментал түшунча ва қонуниятларни ўзгаларга осонликча бериб қўйишлари ҳам

мумкин. Биз бу ерда ландшафт, районлаштириш, ҳудудий ижтимоий – иқтисодий ёки табиий мажмуалар, географик муҳитта ўхшашларни назарда тутмоқдамиз.

Яна бир муҳим муаммо: баъзи бир фанларда бўлгани сингари география, жумладан иқтисодий географияда ҳам дифференция жараёни кечмоқда. Бу фанда ижтимоийлашув (социаллашув), сиёсалашув, тарихийлик ва экологияга катта эътибор берилмоқда. Бу ҳам объектив ҳолатdir. Лекин иқтисодий географиянинг ҳаддан ташқари "ўнгга" кетиши, чётлашуви, унинг яқин "қондоши" табиий географиядан шунча узоқлаштиради, бу ҳам хавфлидир. Бинобарин, иқтисодий географ бир қўли билан қўшни, қирравий йўналишларга интилса, иккинчиси билан албатта табиий географияни маҳкам ушлаб туриши керак.

Мазкур ўқув қўлланмада шунга ўхшаш муаммолар юзасидан фикр юритилади. Матндаги барча 10 мавзу маъruzалари учун ҳар бирига 2 соатдан режалаштирилган.

Таянч иборалар.

Иқтисодий география, иқтисодий ва социал география, агломерация, инфраструктура, иқтисодий район, урбанизация, бозор иқтисодиёти, мужассамлашув, ихтисослашув, кооперация (ҳамкорлик), комбинатлашув, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, система (тизим), иқтисодий географик ўрин, геосиёсат, минтақавий иқтисодиёт, минтақавий сиёsat, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, комплекс, мажмуа, экология, демографик вазият, меҳнат ресурслари ва бозори, саноат тутгуни, саноат райони, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш, миллий иқтисодиёт, хўжаликнинг ҳудудий таркиби ва тузилмаси, хўжалик тармоқлари, геоиқтисод ва ҳ.к.

Мавзу-1. Иқтисодий ва социал географиянинг ҳозирги замон мазмуни(2 соат).

Режа.

1. Иқтисодий ва социал географиянинг тадқиқот объекти ва предмети.
2. Геоиқтисод ва иқтисодий география.
3. Иқтисодий география ва ижтимоий география.
4. Фаннинг бошқа мамлакатларда аталиши.

Жамият ривожи билан уни ўрганувчи фанларнинг тадқиқот объекти ҳам мураккаблашиб ва такомиллашиб боради. Бу табиий ва ўз-ўзича қонуний ҳолдир. Жумладан, иқтисодий географиянинг объекти авваллари маълум бир мамлакат ёки районнинг хўжалик ва аҳолиси, ишлаб чиқариш кучларининг жойланишидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик у хўжалик ва аҳолининг ҳудудий таркиби ёки тизими, ҳудудий ижтимоий – иқтисодий мажмуалар (комплекслар) шаклини олди. Шунга мувофиқ ушбу фаннинг вазифаси ҳам ўзгариб борди. Чунончи, илгари асосий эътибор қаерда нима борлигини ўрганишга қаратилган бўлса, ҳозирги кунда эса нима учун у ёки бу воқелик айнан шу жойда вужудга келгандигини илмий асосда изоҳлаб ва баҳолаб берилиши талаб қилинади. Бундай қонуниятларни чуқур англаш фаннинг амалий (конструктив) аҳамиятини янада оширади. Чунки, у энди турли йириклиқдаги ҳудудий ижтимоий – иқтисодий тизимларнинг таҳлилидан уларнинг ташҳисига, ундан эса башорат ва бошқариш даражасига кўтарилоқда.

Демак, жамият тараққиёти, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва жойланишидаги жараёнлар иқтисодий география обьектнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунга мос равишда бу фаннинг тадқиқот предмети ва вазифалари ҳам такомиллашиб боради. Айни пайтда бундай эволюцион жараёнлар фан номини замон талабига мувофиқлашувига олиб келди. Бинобарин, анъанаи иқтисодий география аста – секин иқтисодий ва социал географияга, у эса ўз навбатида мураккаброқ ва мужассамроқ шаклга – ижтимоий географияга айланмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур фаннинг муайян бир барқарор, барчани қаноатлантирувчи таърифи мавжуд эмас. Бунга

сабаб – география фаннинг кенг қамровлиги, объект ва номининг давр мобайнида ўзгариб туриши бўлиши мумкин. Шу билан бирга иқтисодий география таърифларининг кўпчилигида ишлаб чиқариш кучлари, уларнинг жойлашиш хусусиятлари таъкидланади. Булар ушбу фаннинг ўзак тушунчасига, аксиомасига айланиб қолган. Албатта, бу бежиз эмас, зоро иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий географиянинг моҳиятини эса уларнинг жойлашув хусусиятлари белгилаб беради. Қолаверса, ривожланиш фақат аниқ бир жойда, маконда амалга ошиди, шу боис жойланиш ривожланишининг ҳудудий инъикосидир.

Масалага бундай ёндашув назаримизда иқтисодий географиянинг тарихий ривожланиши билан бοғлиқ. Мальумки, ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштириш муаммолари даставвал Европада, хусусан Германияда немис олимлари И.Тюнен, А.Вебер, А.Лёш, В.Кристаллер ва бошқалар томонидан амалиётда кўриб чиқилган. Бироқ улар ўзларининг жойлаштириш (штандорт) гояларининг натижасини "иқтисодий география" деб таърифлашмаган. Аксинча, бу масалалар кўпроқ ҳудудий иқтисод ёки геоиқтисод доирасида, иқтисодиёт фаннинг бир қисми сифатида қаралган.

Ўйлаймизки, ҳозирги кунда ҳам фаннинг таърифида "ишлаб чиқариш кучларининг жойлашуви" иборасини қолдириш керак, зоро ҳар қандай жойлаштириш муайян бир ҳудудда амалга оширилади. Аммо фанимизнинг бутунги предмети учун бу кифоя қилмайди. Сабаб у энди иқтисодийгина эмас, балки иқтисодий ва социал – ижтимоий география маҳомини олмоқда. Шу важдан, бундай таъриф фаннинг номи билан мазмуни, шакл ва моҳиятини мувофиқлаштиrolмайди.

Тўгри, "ишлаб чиқариш кучлари" энг аввало унинг субъекти, эгаси – аҳолини ҳам ўз ичига олади. Лекин бу ерда аҳоли асосан иш кучи мазмунида, яъни иқтисодий категория шаклида назарда тутилади. Инсон, унинг ижтимоий ҳаёти, социал муносабатлари эса бу ибора қамровидан четда қолади. Бусиз фан илгаригидек иқтисодий, ишлаб чиқариш географияси бўлиб қолаверади.

Юқоридағи фикр ва мұлоҳазалардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва социал география таърифини тахминан шундай бериш мүмкін: **иқтисодий ва социал география** мустақил фан сифатыда турли мамлакат ва районларда ишлаб чиқариш күчларининг ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон ҳаёт фаолияти ва яшаш тарзининг ҳудудий жиҳатларини ўрганади. Қисқача қилиб эса ижтимоий географияни жамият ҳаёти ва фаолиятини ҳудудий ташкил этиш түғрисидаги фан деб таърифлаш түғри бўлади. Шубҳасиз, келтирилган таъриф ҳам мутлоқ аниқликка даъвогар эмас. Аммо, шу билан бирга аминмизки, у иқтисодий ва ижтимоий жабҳаларни ўз доирасига олган ҳолда фаннинг туб моҳиятини ўзида акс эттиради ва уни тўла ифодалаб беради.

Берилган таърифнинг эга ва кесими, аниқловчиси ва тўлдирувчиси, яъни биринчи ва иккинчи даражали қисмлари мавжуд. Чунончи, агар ушбу ифодалардан гапнинг эгаси "турли мамлакат ёки район", "ҳудуд" тушунчалари олиб ташланса, у ҳолда географияга ўрин қолмайди. Демак, айнан ана шу иборалар ушбу таърифнинг географияяга тааллуқлилигидан далолат беради.

Ҳудди шундай, "хусусият" (кесим) сўзи ҳам география учун ўта муҳимдир. Чunksi, фаннинг асосий, пиравард мақсади ишлаб чиқариш күчларининг жойлашуви, инсон ҳаёт тарзининг турли районлардаги ўзига хос ва бетакрор хусусиятини очиб беришидан иборатdir (тариҳда ҳам айнан шундай: жамият тараққиётидаги турли даврлар хусусияти аниқланмаса, ушбу фан ўз моҳиятини йўқотади). Зоро, ҳамма жойда бор нарса географияда мутлақо бўлмаслиги керак. Агар ҳамма жой бир рангда текис, бир хил даражада бўлганда эди, географиянинг ҳам, қолаверса жамият ривожланишининг ҳам ўзи бўлмас эди.

Бизнинг таърифимиз қўпол бўлмаслиги ва кенгайиб кетмаслиги учун унга мажмуалар ёки комплекслар (тизимлар) ғояси киритилмади. Аслида эса иқтисодий ва социал география ўзи ўрганаётган воқеликни муайян ҳудудда ва фақат алоҳида – алоҳида эмас, балки ўзаро алоқадорликда, яъни маълум бир ҳудудий тизимлар доирасида кўради.

Шу боис юқоридаги берилган таърифни янада мукаммаллаштирса бўлади, яъни: "**иқтисодий ва социал география** ишлаб чиқариш кучларини турли мамлакат ёки районларда ривожланиш ва жойланиш хусусиятлари ҳамда инсон фаолияти ва яшаш тарзини ҳудудий ижтимоий – иқтисодий тизимлар доирасида ўрганади", деб ифодалаш мумкин.

Сатрлар остида иқтисодий ва социал географияни ижтимоий география деб аташга мойиллигимиз сезилиб турибди. Бу, биринчидан, фаннинг ўзини ички ривожланиши қонуниятлари, ундаги дифференциация ва интеграция жараёнлари билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ушбу фан номини ривожланган мамлакатлардаги шаклига мувофиқлаштириш билан асосланади. Дарвоҳе, кўпгина хорижий мамлакатларда фанимиз айнан шундай: ижтимоий, гуманитар ёки инсон географияси сифатида расман қабул қилинган.

Бундан ташқари, яна бир масалага эътибор берайлик. Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат билан инсон(жамият) ўргасидаги муносабат ва алоқадорликни ўрганишдан иборатdir. Бу иккиликнинг бири – табиатни ўрганувчи фанлар туркумини "табиий география" деб юритилиши ҳеч кимда шубҳа қолдирмайди. Аммо унинг иккинчи бўлаги, яъни инсон ёки жамият масалаларини тадқиқ этувчи фанни бир сўз билан ҳандай ифодалаш мумкин? Аниқки, бу ерда "иқтисод" сўзи ҳеч тўғри келмайди ва у табиатга муқобил тура олмайди. Иқтисод ва ҳаёт, иқтисод ва сиёсат бўлиши мумкин, бироқ табиат ва иқтисод бирлиги, жуфтлиги асло мос эмас. Бинобарин, ана шу мантиқий мулоҳаза нуқтаи назаридан ҳам нотабиий географик фанлар мажмуини инсон, жамият географияси ёки янада тўғрироғи ижтимоий география деб юритишга асос бўлса керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий ва социал географияни ижтимоий география шаклида ифодалаш фақат биз киригтан янгилик эмас, асло. Ҳатто собиқ Иттифоқда ҳам ушбу тушунча кўпчилик олимлар (Ю.Г.Саушкин, В.М.Гоҳман, С.Я.Нўймўқ, М.Д.Шаригин ва бошқалар) томондан анча йиллар муқаддам ишлатилган эди.

Саволлар.

1. Иқтисодий географиянинг тадқиқот объекти ва предмети нима?
2. Фан таърифидаги ўзгаришлар нима билан боғлиқ?
3. Социал география ва ижтимоий география ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
4. Нотабиий географик фанларни қандай аташ маъқулоқ?

Мавзу-2. Бозор иқтисодиёти ва иқтисодий география(2 соат).

Режа.

1. Бозор иқтисодиётининг асосий моҳияти
2. Бозор иқтисодиётининг худудий жиҳатлари
3. Иқтисодий ва иқтисодий географик самараадорлик.
4. Янги шароитда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш.

Бозор муносабатларига ўтиш фақаттана моддий, яъни ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки ижтимоий ҳаётда, жумладан, фан ва илмий тадқиқот жараёнида ҳам юз беради. Бунда энг аввало тафаккур, илмий дунёқарашда анъанавий назарий услугуб, тамойил ва ёндашувлар янги шароитга, талаб ва эҳтиёжга мувофиқ равишда ўзгариши. Шу нуқтаи назардан ўтиш даври ижтимоий жабҳаларда иқтисодий муносабаталарга нисбатан ўзгача кечиши мумкин.

Янги шароитдаги ўзгаришлар иқтисодий географиянинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатади. Чунки, ушбу фан бевосита иқтисодий муносабатларни, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жиҳатларини таҳлил ва ташқис этади. Бинобарин, бозор иқтисодиёти тармоқ доирасидан ташқари ҳудуд тизимида ҳам содир бўлади, корхоналарнинг эркин муносабати ёки тармоқлар рақобати айни пайтда соғлом рақобат, соғлом рақобат муҳитини назарда тутади. Зоро, ҳар қандай рақобат заминида тенгсизлик, номувофиқлик ётадики, бу хусусиятлар айни чорда ҳудудлар таркибида ҳам намоён бўлади. Ҳудудий меҳнат тақсимотидаги бундай ўзгаришлар, турдош ва турли тармоқларга ихтисослашган районларнинг

ўзаро рақобатда ("мусобақада") ривожланиши ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра иқтисодий географик жараённи англатади. Шунингдек, ягона иқтисодий макон, эркин иқтисодий минтақалар, ўсиш қутб ва марказлари, саноат парклари ва технополислар бевосита иқтисодий маънога эга.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида иқтисодий география ўзининг туб моҳиятига эришади. Сабаби – бундай шароит ҳамма вақт иқтисодий фикрлашни, самарадорликни тақозо этади ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш ҳам ҳудди шундай мақсадни кўзлайди. Демак, бозор иқтисодиёти – ҳудуди иқтисодиёти, маълум макон доирасида эришиладиган иқтисодиёт ҳамdir.

Шу мазмунда қараганда, "иқтисодий" география иқтисод географияси (масалан, саноат ёки қишлоқ хўжалиги географияси) ёхуд геоиқтисодиёт ҳам эмас. Иқтисод географияси бу энг аввало корхона ёки тармоқларнинг ҳудудий тарқалишидаги иқтисод бўлса, иқтисодий география унга кўра анча мураккаброқ тушунча ҳисобланади.

Иқтисод географияси учун ниманинг қаерда жойлашиши муҳим бўлса, иқтисодий географияда ниманинг қаерда ва қандай ҳудудий ташкил этилганлиги, яъни сифат кўрсаткичлари устувор аҳамиятга эгадир. Бу ўринда айтиш лозимки, ушбу фан яқин вақтга қадар асосан биринчи мазмунда талқин қилинди ва ўрганилди, иккинчи йўналишнинг ривожланиши эса ҳозирги кундаги долзарб масаладир.

Иқтисодий география икки карра иккining тўрт эмас, беш бўлишини кўзлайди ва бундай иқтисодга ишлаб чиқариш корхоналарини тўғри ҳудудий ташкил этиш натижасида эришилади. Шунинг учун у, энг аввало, ҳудудий мажмуа ёки тизимлар доирасида юзага келиши мумкин. Чунки, бундай шароитда турли хўжалик корхоналарининг ўзаро уйғунлашуви, ҳудудий мувофиқлиги вужудга келади ва бу "қўшимча" иқтисоднинг шаклланишига олиб келади.

"Штандорт" ёки ишлаб чиқаришни жойлаштириш фоясининг яратувчиси немис олим А. Вебер ҳам авваламбор ана шундай иқтисодийликни назарда тутган эди. "Агламерацион омил" ва самарадорлик, транспорт ҳаражатларини мумкин қадар камайтириш, ягона

инфраструктура тизими асосида иқтисодий тежамкорлик ва фойдани орттириш ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш туфайли амалга оширилади. Бунинг учун турли кўламдаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари шакллантирилади ва ривожлантирилади. Бундай мажмуалар эса энг аввало ҳақиқий иқтисодий географиянинг тадқиқот объектига киради.

Геоиқтисод, яъни географик иқтисод масаласига келсак, у ҳозирги айтилган маънога бироз яқинроқ туради. Бундан ташқари, ўни регионал ёки ҳудуд, аниқроғи мйнтача иқтисодиёти мазмунида ҳам эътироф қилиш мумкин. У ҳолда бу маълум бир регион ёки минақадаги хўжалик мажмуасининг иқтисодиёти шаклида қабул қилинади. Умуман олганда эса геоиқтисод ҳудди сиёсий иқтисод ёки тармоқ иқтисодиёти – “иқтисодий иқтисод” тушунчаларига ўхшашиборадир.

Яна шуни эътиборга олиш лозимки, мустақил мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтиши айни пайтда анъанавий иқтисодий ва социал география фанининг жаҳон андозаларига мос равишда ижтимоий география мақомини олишига тўғри келмоқда. Албатта, бу ерда ҳам ижтимоий география жамият географияси бўлмай, у мазмун ва мақсадига кўра мураккаброқ ва мукаммалроқ тушунчадир. Ижтимоий география авваламбор жамиятни ёки кишилар ҳаёт фаолиятини ҳудудий ташкил этиш муаммолари билан шугулланади. Ташкил этиш эса ҳамма вақт етук ва мукаммал тизимлар ғоясига мувофиқ бошқаришни назарда тутади ва бу масала ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ўзгача амалга оширилади. Сабаби – мулкчиликнинг турли шакларини мавжудлиги, унинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, ўз навбатида, бу соҳадаги давлатнинг анъанавий функциясини ўзгартиради. Эндиғи шароитда давлат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш муаммоларини бевосита эмас билвосита, яъни солиқ, нарх – наво, молия – кредит ва минақавий сиёсати доирасида амалга ошириб ёки тартибга солиб боради.

Иқтисодий географиянинг ана шунга ўхшашиборади назарий ва амалий муаммоларини тадқиқ қилиш ҳозирги кундаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу бош мақсадга эришиш учун

тадқиқотчи маълум илмий ўрганиш восита ёки усулларни яхши билиши ва улардан амалда фойдалана олиш керак.

Ўқув ва илмий – тадқиқот методлари турлича. Бироқ, уларнинг самарадорлиги, муваффақияти энг аввало алоҳида усулларни ўз ўрнида ва бир – бири билан алоқадорликда қўллащидир. Иқтисодий географияда айниқса, статистика ва картография методларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Саволлар.

1. Бозор иқтисодиётининг туб моҳияти нимадан иборат?
2. Иқтисодий географиянинг бозор муносабатларита қандай алоқаси бор?
3. Давлат ишлаб чиқариш кучларини қандай тартибга солиб боради?
4. Иқтисодий географик самарадорликни қандай тушунасиз?

Мавзу–3. Иқтисодий ва социал географиянинг асосий принциплари: ҳудудийлик ва комплекслик(2 соат).

Режа

1. Иқтисодий географияда ҳудудийлик
2. Ҳудуднинг иқтисодий ва социал географиядаги аҳамияти.
3. Географияда комплекс ва комплекс ёндошув.
4. Ҳудудийлик ва комплекснинг фойдаланиш меъзони.

Албатта, ҳар қандай фаннинг предмети, таърифи унинг асосий тамоилларини ўзида акс эттириши шарт. Чунки ўзининг методологияси ва методи, мактаби ва йўналиши, тадқиқот предмети ва принципларига эга бўлмаган фан мустақил фан ҳисобланадиган олмайди.

Хўш, география ва шу жумладан, ижтимоий географиянинг бош тамоиллари нималардан иборат? Фикримизча, бу ерда турли даражадаги асослар мавжуд, уларнинг айримлари фақат шу фанга тегишли бўлса, қолганлари умумилмий, фалсафий аҳамиятга эга.

Шубҳасиз, география фанининг энг биринчи тамоили унинг **ҳудудийлигидир**. Зоро, географияни ҳудудий муносабатларсиз, макон тушунчасисиз тасаввур этиб

бўлмайди. Аммо, шу билан бирга, ҳудудга ўзига хос борлиқ сифатида турлича ёндашилади. Масалан, муҳандислик (ерсозлик) ҳамда район планировкасида кўпроқ ҳудудни ташкил этишга эътибор берилади. Бунда ер майдонининг ўзи маълум мақсадлар учун тайёрланади. Жумладан, уни барча инфраструктура шахобчалари билан жиҳозланган ҳолда саноатчилар учун ижарага бериш ёки сотиш мумкин.

Ижтимоий географияда анъанавий тарзда "ҳудудий ташкил этиш" ибораси қўлланилиб, у одатда мазмун ва шакллари бўйна ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга яқинроқ туради. Шу билан бирга оддий жойлаштиришдан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришни, аҳоли ёки хўжалик тармоқларини ҳудудий ташкил этиш айни пайтда уни муайян мақсадга йўналтирилиши ва энг муҳими – бошқарилишини ҳам ўз ичига олади – ки, бу ушбу тушунчанинг илмийроқ ва амалийроқлигидан дарак беради. Бу ерда тизим (система) қоидасига мувофиқ маълум бир воқеликни ташкил этиш аваламбор уни бошқариш ниятида амалга оширилади.

Маълумки, географлар нигоҳида ҳудуд қиёфаси ўзининг барча мавжудоти билан гавдаланади ва бир қарашда у тўла қамраб олинади. Бироқ, кўриб турилган ҳудудда ундаги бор элементлар (йўл, дараҳт, ўй, кишилар, транспорт ва ҳоказо) якка – якка ёки аксарият ҳолда муайян ҳудудий бирлиқда бўлади. Шу жиҳатдан қараганда ижтимоий географиянинг тадқиқот обьектига кирувчи барча предметлар турли ҳудудий мажмуя шаклини ташкил этади. Чунончи, қишлоқ хўжалиги тармоқлари – экинзорлар ва чорвачилик яйловлари, рекреация манзилгоҳлари, ўрмонзорлар ва бошқалар ареал (майдон) кўринишига эга. Саноат марказлари ва аҳоли пунктлар нуқта ёки тутун, транспорт йўллари, гидрографик шахобчалар эса тасмасимон (чизиқсимон) шаклида кўзга ташланади ва ҳудди шу тарзда харитада тасвирланади. Бу ўринда бир сўз билан айтиш мумкинки, ижтимоий география ана шу майдон, чизиқ ва нуқталарнинг жойлашуви, уларнинг ўзаро ва ташки мухит билан ҳудудий муносабатларини ўрганади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳудудий шакли сифатида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари (комплекслари, саноат тутунлари ва

районларни), аҳолининг бундай ташкил этиш шаклларига эса турли тип ёки йириклиқдаги қишлоқ ва катта – кичик шаҳарлар, шаҳар агломерациялари, конурбация ва мегалополисларни кўрсатиш ўринли. Транспортда транспорт тугуллари, аҳолига хизмат кўрсатиш географиясида – майший комбинатлар ёки фан географиясидағи ҳудудий илмий тадқиқот мажмуалари ҳам ушбу соҳаларнинг ҳудудий ташкил этиш шаклларига киради.

Худуд миқёсида ҳар хил катталик ва йўналишдаги муҳит вужудга келади. Жумладан, анча кенг бўлган иқтисодий ва мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлган рақобат муҳити, социал – иқтисодий ва нисбатан торроқ доирадаги социал муҳитни ажратиш мумкин. Муҳитларнинг ушбу кўринишлари билан шунга мос рвишда ижтимоий географиянинг асосий қисмлари: иқтисодий, социал – иқтисодий ҳамда социал география шуғулланади(Солиев, 1995).

География фанининг иккинчи бир муҳим тамойилии **комплексдир**. Бироқ, бу ерда комплекс ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ёки ҳудудий ташкил этиш шаклини эмас, балки масалага, фан обьекти ва предметига ёндашув маъносини англатади. Айни пайтда комплекслик география фани учун алоҳида усул (метод) ҳам эмас, аксинча, у фанининг принципларидан бири бўлиб, унинг ўзига хос ва туб моҳиятини ифодалайди.

Шу билан бирга, баъзан "комплекс географик(ёки иқтисодий географик) тадқиқот" ибораси ишлатилади – ки, назаримизда, бу ҳам ортиқча ёки хатоликдир. Чунки, географик тадқиқот ҳамма вақт комплекс бўлади, бусиз у ўз моҳиятидан ажralиб қолади. Экологик ёндашув асосида ҳам комплекслик ётади ва бу уни географик дунёқарашга жуда ёқинлаштиради. Айрим ҳолларда "мажмуали географик тадқиқот" ҳам дейишади. Бу ҳам унча тўғри бўлмаса керак.

Комплекслик ўрганилаётган обьектга атрофлича ёндашув, уни алоқадорликда кўришни тақозо этади. Шу маънода у тизимли (системали) қарашга ҳам ёқинлашади. Аммо бу тамойилдан тўғри ва оқилона фойдалана олиш лозим. Акс ҳолда тадқиқот натижаси "ҳар соҳадан бир шингил", саёз, юзаки ва қуруқ бўлиб, баъзан ўзи нимани ўрганилиши кераклиги ҳам сезилмай қолинади. Бинобарин, ушбу

тамойил моҳиятини мисли дарахт шаклида тасаввур қилмоқ зарур: дарахт танаси ўрганилаётган асосий ҳодиса бўлса, унинг шоҳ ва шоҳчалари шу муаммо билан бевосита алоқадор масалалар мажмуасидир. Бунда дарахт танаси ўта йўғонлашиб, шоҳ – шаббасиз ва, аксинча, шоҳлар катталашиб, унинг танаси кўринмай қолмаслиги керак. Биринчи ҳолда комплексликнинг ўзи бўлмайди, иккинчисида эса ҳаддан ташқари масаладан четта чиқиб кетиш аёндир. Масалан, боғдорчилик географиясида темир йўл транспорти ёки аҳолининг туғилишини чуқур ўрганиш асло талаб қилинмайди.

Худди шундай ҳудудийлик тамойилининг ҳам нозик жиҳатлари мавжуд. Бу ерда биз тадқиқот объекти – ҳудудни жуда катталашиб кетмаслигини назарда тутмоқдамиз. Чунки, бундай ҳолда ҳам тадқиқот натижаси юзаки, умуртқасиз бўлиб қолади.

Биз шу пайтгача катта ҳудудни “кичрайтириб” ўргандик. Энди эса бунинг акси, кичик жойни катталаштириб, йирик масштабли тадқиқотларни ўтказиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Дарвоҷе, ривожланган хорижий мамлакатлар (АҚШ, Япония, Германия ва бошқалар) тажрибаси айнан шундан далолат беради.

Бу мамлакатларда, биздан фарқли ўлароқ, асосан микроиқтисодий, микрогеографик ёндашув устувор туради. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак – тадқиқотлар аниқ, пухта ва амалий жиҳатдан юқори бўлади. Тўғри, тадқиқот объекти сифатида каттароқ ҳудудни ҳам олиш мумкин. Лекин бундай ҳолда ҳудуднинг барча қисмини эмас, аксинча, муҳим муаммоларини унинг айрим ва турли нуқталари мисолида чуқурроқ таҳлил қилиш ва шу негизда ўрганилаётган объект ва унга ўхшаш жойларга хос бўлган умумий қонуниятларни асослаб бериш талабга мувофиқдир (рус тилида бундай ёндашувни *метод ключей* ёки *метод глубокого бурения* деб ҳам айтишади).

Шундай қилиб, ҳудудийлик ва комплекслик география фани учун ўта зарур. Бироқ улар ўз меъёрида бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, ушбу ёндашувлар ҳамма вақт аниқлик билан бирга олиб борилиши тўғрироқ бўлади. Профессор Э.Б.Алаев аниқликни (конкретликни)

географиянинг алоҳида тамойили сифатида кўрсатади. Биз эса уни юқоридаги икки асосий тамойилнинг умумий маҳражи, мезони ёки "икки плюс бир" шаклида кўришни истар эдик. Сабаби, муаммо қанча кенг ва чуқур, маълум бир мақсад доирасида атрофлича, ҳар тарафлама ва айни пайтда аниқ таҳдил этилса, унинг хуносалари ҳамма вақт юқори бўлади.

Комплекслилик система гоясига ўхшаш. Аммо ўхшашлик айнан бир хиллик эмас. Комплексликда асосий ургу муаммони атрофлича ўрганиш тилаб этилса, системали ёндашувда у ички ва ташқи жиҳатдан, ўзаро алоқадорлиқда поғонасимон шаклда таҳдил этилади. Комплексликда объект "энiga", системада "бўйига" кўриладики, биринчисида асосий мезон кенглик бўлса, иккинчисида чуқурлиқdir.

Албатта, география фани учун системадан кўра комплекс яқинроқ ва анъанавийроқдир. Чунки, географиянинг ўзи комплекс ва комплекслар ҳақидағи фандир. Бинобарин, комплексга комплекс ёндошув шарт ва зарур. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, комплексликнинг чегараси бўлиши талаб этилади. Гап шундаки, география ҳудудлар, чегаралар тўғрисидаги фан бўлсада, баъзан унинг ўзини ҳад – ҳудуди, чегараси йўқ; айrim ҳолларда улар размерсиз фанга айланаб қолади – ки, бу албатта ижобий эмас. Шу боис, географиянинг аосий қасбий қасалликларидан бири бўлмиш аниқсизликка қарши курашиш керак. Бинобарин, системада амалийлик янада юқорироқ, зеро, ҳар қандай система бошқарув билан боғлиқ, бошқарув эса кўрилаётган объектнинг ташкил қилинишини, тик (вертикал) ва горизонтал, ички ва ташқи алоқаларни назарда тутади.

Комплексликда энг муҳими масалани (муаммони) тўғри ва аниқ чегаралаш, ва тадқиқот доирасини белгилаш бўлса, системада –бирламчи элементни аниқлашдир. Чунки, комплекс гоясида таркиб унча аҳамиятли эмас, система эса ҳамма вақт ўзининг ички тузилишига, тарқибига, турли босқичдаги "системаларга" бўлинади ва фақат бирламчи элемент бундай хусусиятга эга бўлмайди.

Шундай қилиб, иқтисодий ва социал географияда, ҳудудийлик, комплекс ва тизим (система) принцип ёки умумметодологик асосларга тўғри риоя қилиш ҳам муҳим назарий – амалий муаммолар сирасига киради.

Саволлар.

1. Ҳудудийликнинг географиядаги асосий маъноси нимадан иборат?
2. Ҳудуд – ресурс, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилиш нимани англатади?
3. Комплекс – тамойил ва комплекс ёндошув фарқлари нимада?.
4. Комплекс ва системанинг ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларини аниқланг.

Мавзуу-4. Иқтисодий географияда тарихийлик, экологик ёндошув ва демоцентрик принцип (2 соат).

Режа.

1. Тарихийлик ёндошув ва географияда тарихий метод.
2. География тарихи ва тарихий география.
3. Экологик ва географик ёндашув.
4. Демоцентрик принцип.

Географиянинг икки асосий тамойили – ҳудудийлик ва мажмуалиқидан сўнг *тарихийлик* туради. Бу принцип макон ва замон, замину замон бирлигидан келиб чиқади. Зеро, ҳар қандай ҳодиса маълум бир вақтда ва муайян бир жойда содир бўлади. Шунинг учун географияяга тарих керак. Сабаби – ҳозирги мавжуд воқелик ўз – ўзича, бирданига вужудга келмаган. Бинобарин, бу воқелик қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган ва у қандай ривожланиш босқичларини босиб ўтган – буларнинг ҳаммасини ҳозирги борлиқдан келиб чиқсан ҳолда аниқлаб олмасдан туриб асосий масалани ҳал этиб бўлмайди. Фақат ўтмишни таҳдил этиш орқали ҳозиргини баҳолаб бўлади, бу эса ўз навбатида келажакни, истиқболни илмий башорат этишга йўл очади.

Тарихийлик тамойилининг муҳимлигини Н.Н.Баранский ҳам таъкидлаган. Бу олим: “Мамлакат ва районлар иқтисодий таърифини шундай берингки, у оёғи билан ерга – геология, геоморфология ва тупроқ – шуносликка, танаси билан тарих орқали ўтиши (биз чиздик – А. С.), боши билан эса сиёсат ва мафкурага таяниши, тақалиши керак”, деб ўқтирган эди. Кўриниб турибдики, тарихийлик иқтисодий

географик таъриф ва тавсифнинг асосий қисмини ташкил этади.

Айтиш лозимки, географияга қанчалик тарих керак бўлса, тарих учун ҳам география шунчалик зарур. Бироқ география тарихга, тарих эса географига айланмасин. Шу боис географияда тарихий ёндашув ўтмишнинг барча майда – чуйдасини эмас, балки ҳозирги ҳолатнинг юзага келишида айнан қайси тарихий воқеа ва босқичлар сабаб бўлганини аниқлаши етарлидир. Масалан, agar республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрини иқтисодий географик таърифламоқчи бўлсак, унинг илк бор вужудга келганидан кейин, сўнгги муҳим тарихий воқеалар инобатта олинса кифоя. Улар: ўтган асрнинг иккинчи ярмида (1865 й.) Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши ва Тошкентнинг Туркистон генерал губернатор – лигининг пойтахти вазифасини бажариши, 1917 йил “Социалистик инқилоб” йили, 1924 йил Ўрта Осиё республикаларининг ташкил этилиши, 1930 йил Ўзбекистон республикаси пойтахтининг Самарқанддан Тошкентга кўчирилиши, Иккинчи жаҳон уруши йиллари, 1966 йил Тошкентда ер қимиirlashi ва, ниҳоят, 1991 йил Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган йили. Ана шу бурилиш ёки тарихий воқеалар бугунги Тошкентга, унинг ҳудуди, хўжалиги ва аҳолиси, шаҳар қурилишига озми – кўпми ўз таъсирини ўtkazgan, из қолдирган. Қолган оралиқ воқеалар эса бизга айни пайтда унча зарур эмас. Бинобарин, уларни тарих фани учун қолдириш керак.

Географияда тарихийлик тамойили тарихий географиянинг ўрнини олмаслиги лозим. Бу ерда тарихий ёндашув ўрганилаётган ҳодисанинг ўтмишига қисқача сафар қилинишини англатади, тарихий география эса ўтмишнинг алоҳида поғоналарида табиат ва, хусусан, хўжалик тармоқлари, аҳоли ва бошқалар қай даражада ривожланган ва қандай жойлашган каби масалаларни таҳлил этади ёки кўз ўнгимизда гавдалантиради. Шу билан бирга, тарихийлик географиянинг тарихи ҳам эмас. Чунки географиянинг тарихи деганда сўз кўпроқ географик кашфиётлар тўғрисида боради. Шундай қилиб, тарихийлик тамойили, тарихий география ва география тарихидан фарқ қиласи, у бу ерда қўйилган мақсадга тўлароқ қандай эришиш асосларидан

бирини ифодалайди, ўтмишга бутунги күн нүктай назаридан эмас, балки унга ўша давр ва муҳитдан келиб чиқиб баҳо бериш, мавжуд воқееликка тарихий қараашни талаб этади.

Аслини олганда, тарихсиз география (географиясиз тарих) бўлмайди. Демак, улар бир – бирларини тўлдиради. Аммо уларни алоҳида – алоҳида қарааш ҳам нотўғридир. Чунончи, немис олими А.Геттнер географияда тарихийликни инкор этган, у хронологияни рад этиб, хорологияни тан олган. Бу жиҳатдан у немис олими, файласуф И.Кант ғояларига асосланган. Албатта, бундай бир томонламалик ножоиздир. Ҳатто анъана бўлиб қолган "ишилаб чиқариш кучларнинг ривожланиши ва жойланиши" ибораси ҳам бу иккиликтининг чамбарчас боғлиқлигини билдиради. Бу ерда агар ривожланиш тарих бўлса, жойланиш география демакдир. Ҳар қандай ривожланиш маълум бир ҳудуд доирасида амалга ошади, жойлашув эса ривожланишнинг ҳудуддаги аксидан бошқа нарса эмас.

География фанининг тамойилларидан яна бири экологик ёндашувдир. Экология ўзининг туб моҳиятига кўра организмларнинг ички, ўзаро ва ташки мұҳит билан алоқадорлигини англатади. У бу жиҳатдан географик дунёқараашнинг мазмунига ҳам анча мос келади. Сабаби географияда барча воқеа ва ҳодисалар ўзаро ҳамда ташки мұҳит билан ҳудудий муносабатда кўрилади. Шу боис, экология маълум маънода географияга жуда яқиндир. Шунинг учун бўлса керак, баъзи олимлар бу икки тушунчани маънодош сифатида ишлатгандар. Масалан, чикаголик Х.Бэрроуз "Инсон экологияси ёхуд география" номли мақоласини (1923 й) ёзган эди.

Дарҳақиқат, географиядаги комплекслик тамойили экологик дунёқараашга ўхшаб кетади. Аммо географик дунёқарааш экологик ёндошувга кўра кексаноқ ва мазмунан бойроқдир. Сабаби, атроф – мұҳит масалалари, унинг мұсаффолиги ва аҳоли саломатлигига таъсири географияда ҳали экология вужудга келмаган вақтда ҳам мавжуд эди.

Маълумки, географиянинг бош фалсафий масаласи табиат ва инсон (жамият) мунасабатлариdir. Табиатнинг жамият ривожланишига таъсири классик бўлса, жамият, ишилаб чиқаришнинг табиатга, атроф – мұҳитга таъсири ҳозирги замон экологиясидир. Демак, ҳар иккисида ҳам

ўзаро уйғунликда қараң, мушоҗада юритиш талаб этилади. Бироқ, экологик принцип айни пайтда фақат алоқадорликни эмас, балки пастдан юқорига томон, занжирсимон боғлиқликни, асосан инсон атрофидағи мұнносабатларни назарда тутади. Чунончы, иқтисодий ва социал географияда ишлаб чиқаришни ва ривожлантириш, хом ашёни қазиб олиш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот яратишиңа қадар бўлган жараёнга экология ҳамроҳ бўлади; у айниңса ушбу жараённинг бош ва сўнгги ва (охирги) нуқталари, яъни табиатдан хом ашёни олиш ва тайёр маҳсулотни яратишида кўпроқ эътиборга молидир.

Айнан шу мазмунда қараганды, экологик тамойилга Н. Н. Колосовскийнинг энергия ишлаб чиқариш цикллари ва И. В. Комарнинг ресурс цикллари тўғрисидаги ғоялари жуда қўйл келади. Чунки, бу ғоялар заминида ишлаб чиқариш жараённинг аввалги ва охирги нуқтасигача "бошдан оёқ" экологик ёндашув ётади.

Экологик тамойил, айниңса ишлаб чиқаришни ижтимоий ва ҳудудий ташкил этиш шакллари, хусусан, мужассамлашув билан уйғунлашиб кетади. Масалан, қанча ишлаб чиқариш мужассамлашуви юқори бўлса (корхона йирик ёки корхоналар мажмуи бир жойда кўп бўлса), экологик вазият, одатда, бунинг акси бўлади. Демак, бу ерда "ривожланган" тушунчаси кўп ҳолларда экологик носоғлом маъноси билан ёнма – ён туради. Бир неча мисоллар келтирайлик: Бошқирдистон пойтахти Уфа шаҳрининг ўзида 3 та йирик нефтни қайта ишлаш заводлари мавжуд; Украина нинг Мариуполь (Жданов) шаҳрида ёки Россиянинг Новокузнецк шаҳрида ҳам 3 тадан металлургия корхоналари ишлаб турибди. Бу жиҳатдан айтиш мумкинки, ушбу шаҳарлар ривожланган йирик саноат марказлари ҳисобланади. Лекин, айни пайтда бу шаҳарларнинг бир неча минглаб аҳолиси экологик почор аҳволда бўлиши ҳам аёндир.

Худди шундай, ўзимизнинг Чирчиқ шаҳарини олайлик. У ўлкамиздаги дастлабки "социалистик шаҳар", чинакам саноат марказига айланган эди. Ўтизинчи йиллардан бошлаб бу ерда турли йирик саноат корхоналари бирин – кетин қурилган эди. Айниңса, бу ерда кимё заводлари кўпроқ жой олди. Устига – устак Чирчиқдан, собиқ СССРда

"энг йирик" капролактам корхонаси ҳам жой олди. Шундай қилиб, бу шаҳар республиканинг йирик индустрисал марказига, ривожланган районига айлантирилди. Аммо, шу билан бирга, бу ерда яшайдиган 150 минглик аҳоли учун экологик мұхит ҳам бузилди.

Афсуски, юзага келган ночор экологик вазияти фақаттина Чирчиқнигина эмас, балки у билан деярли туташиб кеттан қарийб 2,5 миллионли азим шаҳар – Тошкент аҳволига ҳам салбий таъсир күрсатади. Агар биз Чирчиқ саноат марказининг географик жойлашгандыгини, пойтахт Тошкент ва унинг агломерациясига сувнинг ҳам, ҳавонинг ҳам Чирчиқ томонидан (тоғ минтақасидан) келишини эътиборга олсак, у ҳолда географик күрліккінг, ҳудудий саводсизлик ёки маданиятсизликкінг гувоҳи бўламиз. Демак, экологик тамойил ҳам география учун ўта мұхимдир. Бироқ у асло ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга қарши турмайди. Аксинча, бу ерда жойлаштириш масалаларини кўпроқ барча омил ва шароитларни атрофлича инобатга олган ҳолда "етти ўлчаб бир кес" маносида, географик экспертиза асосида амалга ошириш ҳамда замонавий, чиқиндисиз, экология нуқтаи наазаридан мақбул ва тоза технологияни жорий қилишни ҳисобга олиб ҳал этиш лозим. Шубҳасиз, мустақил мамлакат, унинг мустаҳкам миллий иқтисодиёти учун барча саноат тармоқлари, шу жумладан, кимё, металлургия ва бошқа корхоналар ҳам зарур. Аммо улар мумкин қадар тўғри ва ҳозирги замон технологияси билан жойлаштирилиши лозим.

Шу билан бирга экологик масалалар фақат саноат географиясидагина эмас, балки улар қишлоқ хўжалик, аҳоли ва шаҳарлар, транспорт, рекреация, тиббиёт географияси каби йўналишларни ўрганишда ҳам асосий ўринда туриши керак. Бошқача қилиб ақтганда, географик дунёқараш экологик фикрлаши билан сингдирилмоғи шарт. Бинобарин, ҳудудийлик, комплекслик ва экологик тамойиллар асло бир – бирига зид бўлмай, аксинча, ёнма – ён туришлари талаб этилади (руслар бу ўринда "не вместо, а вместе" дейишади.)

Ижтимоий географиянинг яна бир принципи демоцентризм ёки антропоцентризмдир. Чунки, барча ҳудудий иқтисодий муносабатлар асосида энг аввало

инсон – моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси ва айни пайтда уларнинг истеъмолчиси жой олади. Қолаверса, тарих, жамият тарихи ҳам инсонсиз бўлмайди. Бундан ташқари, даставвал соф табиий маънога эга бўлган экология тушунчаси ҳам индустириялаштириш ва урбанизация туфайли социал ёки инсон экологиясига айланмоқда.

Н. Н. Баранский инсонсиз географияга бор вужуди билан қарши ва “Инсонни унутибсиз!” деб хитоб қиласа эди. Чиндан ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг марказида инсон туради. Бироқ, инсон аввалгилик, фақат ишлаб чиқариш кучи, унинг субъекти, ишчи кучи бўлмай, балки у ўз номи билан Буюк Инсондир. Шунинг учун инсон табиати, биогеографияси, яшаш тарзи, урф – одати каби соф ижтимоий масалаларнинг ҳудудий жиҳатлари ҳам ўрганилиши лозим.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда, илмий – техника тарққиёти ва бошқаларда инсон омили, унинг талаб ва эҳтиёжи, дунёқарали мұхим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан демоцентрик тамойил ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишда эътиборга олиниши билан бир қаторда инсоннинг ўзи ҳам ўрганилиши аҳамиятдан холи эмас. Чунончи, унинг ўқиши, дам олиши, даволанишига ўхшаш бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан ташқарида ётган ва киши яшаши билан борлиқ барча масалалар социология, этнография, психология фанлари қиррасида тадқиқ этилиши керак.

Шундай қилиб, ҳудудийлик, комплекслик, тарихийлик, экология ҳамда демоцентрик ёндашувлар ижтимоий географиянинг мустақиллиги ва мустақамлигини, барқарор ва қатъиyllигини таъминлайди. Шу билан бирга бу асосий принциплар алоҳида – алоҳида эмас, балки биргалиқда кучли, таъсирчан бўлади. Улар ушбу фанни ижтимоийлаштириш, сиёсийлаштириш, иқтисодийлаштириш ва маҳалийлаштириш каби йўналишлар ёрдамида амалиётга татбиқ этилса, у янада самаралироқ натижга беради.

Барча фанларда бўлганидек, география шу жумладан, ижтимоий географияда дифференциация (турланиш) жараёни кетмоқда. Шу боис, мамлакатимизда жаҳоннинг илфор давлатларидағи бой тажрибалар, янги илмий

йўналишлар ҳам жорий этилса, бўлажак ёш мутахассислар замон талаби даражасида тайёрланган бўлади.

География фанининг яна бир ажойиб ва бетакрор имтиёзи бор. Бу ҳам бўлса унинг интеграцион салоҳиятининг кучлилигидир. Қамрови кенг бўлган география жуда кўп фанлар билан "қўшничилик" қиласи ва туташ мавқега эга. Улар жумласига тарих, биология, геология, социология, демография, иқтисодиёт, экология, психология, ҳуқуқшунослик, шаҳарсозлик, тиббиёт ва бошқалар киради.

Демак, география бу фанлар билан алоқада ва унинг кучи ҳам ана шунда. Бошқача қилиб айтганда, география учун турли фанлар қиррасида янги – янги йўналишлар ва ютуқларга эришиш имконияти мавжуд. Чунки география фани барча фанлар тизимида қулай "географик ўринга" эга, у марказда (махраҷда) ва шунинг учун қолган фанларнинг кўпчилиги истаса – истамаса географияга тўқнашади.

Саволлар.

1. Географияда тарихий методнинг аҳамияти ва чегаралари нимадан иборат?
2. География тарихи, тарихий география, палеогеография ўртасидаги фарқларни аниқлаб беринг.
3. Географик ва экологик ёндошув принципларининг ўхшаш жиҳатлари ва фарқларини аниқланг.
4. Нима учун демоцетрик принцип иқтисодий ва социал географияда муҳим ҳисобланади?

Мавзу – 5. Иқтисодий районлаштиришнинг долзарб муаммолари

(2 соат).

Режа.

1. Географияда район тушунчаси.
2. Иқтисодий районнинг таърифи.
3. Иқтисодий районлаштиришнинг принцип ва омиллари
4. Иқтисодий районлаштиришнинг аҳамияти

Барча фанларда бўлганидек, географиянинг ҳам бирламчи, ўзак тушунчаси мавжуд – ки, усиз бу фан тўғрисида сўз юритиш асло мумкин эмас. Агар турих фани учун давр, биология учун хужайра, химияда молекула тушунчалари ушбу фанлар учун энг муҳим ҳисобланса, географияда бундай вазифани район тушунчаси ўтайди.

"Район" сўзи француз тилидан олинган бўлсада (инглиз тилида у регион деб ҳам юритилади), у ҳозирги кунда халқаро, яъни байнанминал мазмунга эга. Бинобарин, уни республика, парламент, конституция, ландшафт каби сўзлар қаторида bemalol ишлатиш мумкин ва катта хатолик бўлмайди. Хусусан, мазкур тушунчани айнан шу шаклда соф географик бирликлар маъносида қўллаш зарур. Сабаби –уни маъмурий ҳудудларга тегишли бўлган "ноҳия" ёки "туман" кўринишига ўтириш балким мумкиндири, бироқ ҳақиқий географик районни, районлаштиришни географик туман, туманлаштириш шаклида татбиқ этиш ўта кулгили ва ноўриндир.

Хўш, район, шу жумладан иқтисодий район нима ва у қайси мақсадларда зарур? Мавзунинг туб моҳияти ҳам ана шунда. Район, агар ўта қисқа ва оммабоп (ҳаммабоп, географлар учунгина эмас, балки барча саводхон, оддий ҳудудий фикрлаш ва географик маданиятли кишилар учун) даражада таърифламоқчи бўлсак, уни умумий ўхшаш хусусиятлари билан ўз атрофидан ажralиб турувчи ҳудуднинг бир қисми сифатида талқин қилиш мумкин. Демак, район бу ҳудуд (ёки нисбатан каттароқ ҳудуднинг бир бўлаги), ер юзи эса "гео" – дир. Бинобарин, районни албатта "географик район" дейишга катта эҳтиёж йўқ, зеро ногеографик районнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, бундай иборани қўллаш иқтисодий географлар учун шарт эмас. Шундай қилиб, ҳар қандай район – у географик райондир ва бу ерда ортиқча сўзга зарурият йўқлиги ҳаммага аён ва равshan бўлмоғи даркор. Масалан, Фарғона иқтисодий районини оладиган бўлсак, бу ерда "Фарғона" ҳам, "район" ҳам маълум ҳудуд, яъни географик маънони англатади. Шу боис, уни "Фарғона иқтисодий географик райони" шаклида талқин қилишга ҳеч зарурият бўлмаса керак.

Район тушунчаси ва унинг мазмун – моҳияти ҳозирги замон тизим – таркиб (система – структура) принципига ёки

илмий дүнёқарааш ёндөшувига ҳам мос келади. Чунки, район ўз навбатида райончалардан, улар эса яна нисбатан кичикроқ ҳудудий бирликлардан ташкил топади (худди "матрёшка" ўйинчоғидек). Кўриниб турибдики, район бу кўп босқичли, погонасимон тушунчадир. Ҳудди шундай, маълум бир ҳудудий система ўз таркибига эга, бу ҳам эса ўзидан кейинги погонага нисбатан системадир. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай ҳудудий бирлик, агар у очиқ система шаклида кўрилса, ўзидан каттaroқ ҳудудга нисбатан таркиб (системача, кичикроқ система) ва айни пайтда ўзининг ички тузилиши нуқтаи назардан яхлит системадир. Юқорида келтирилган мисол – Фарғона иқтисодий райони мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёти тизимида таркибий бирлиқдир. Шу билан бирга, у алоҳида Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари (таркиб)лардан ташкил топган. Ҳудди шундай, мазкур вилоятлар ҳам босқичсимон ҳудудий тузилмалардан иборат.

Иқтисодий районлар шакланишининг ўзига хос тартиби ёки механизми мавжуд бўлиб, унинг илдизи ҳудудий меҳнат тақсимотига бориб тақалади. Ҳудудий меҳнат тақсимоти эса ижтимоий меҳнат тақсимотининг бир томони ва у моҳиятан иқтисодий географик жараённи англатади. Шундай қилиб, ҳудудий меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш оқибатида алоҳида жойларнинг муайян хўжалик соҳаларга иҳтинослашуви, бир ҳудуднинг қолган ҳудудлардан ана шу жиҳатдан фарқланиши вужудга келади. Натижада мамлакат ҳўжалигининг ҳудудий тузилмаси ва таркиби, геоиқтисодий тизимнинг ички тафовутлари –аниқроғи иқтисодий районлар тўри шакланади. Турли йўналишдаги иқтисодий районлар тўри ва уларнинг ўзаро ҳудудий муносабати, жойлашуви, бизнинг фикримизча, иқтисодий географик вазият ёки ҳолатни юзага келтиради.

Иқтисодий географик жараён –ҳудудий меҳнат тақсимоти узлуксиз, доимий бўлганлиги сабали районлар тўри ва таркиби ҳам ўзгариб боради. Аммо ҳўжаликнинг ҳудудий таркиби унинг тармоқлар таркибига кўра бироз суст ўзгарувчан бўлади. Шу билан бирга макроиқтисодиётнинг (миллий иқтисодиётнинг) ҳудудий ва тармоқлар тузилмаси орасида мунтазам алоқадорлик мавжуд: тармоқлар

таркибидағи ўзгаришлар хўжаликнинг ҳудудий таркибиغا, яъни миңтақавий иқтисодиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Иқтисодий районлаштириш маълум принцип ва омилларга асосланади. Улардан энг муҳимлари: хўжаликнинг ихтисослашуви ва комплекс (мажмуа шаклида) ривожланиши, ҳудудий яхлитлик ёки бирлик, географик ўрин, район ҳосил қилувчи марказ – турли йириклидаги шаҳарларнинг мавжудлиги, ички транспорт ва бошقا инфраструктура элементларининг умумийлиги ва хоказо. Шу 4 қаторда маъмурӣ – ҳудудий бирликлар, уларнинг истиқбол ривожланиш муаммолари ва устувор йўналишалри ҳам эътиборга олинади.

Иқтисодий районлаштиришни икки хил амалга ошириш мумкин. Биринчисида – мамлакат майдони ва унинг маъмурӣ бирликлари турли миқдор ва катталиқдаги ҳудудларга ажратилади. Бунда районлар таркибига киритилмаган бирор жой, у ерда хўжалик объекти бор ёки йўқлигидан қатъий назар, четда қолмайди. Одатда, ўқув жараёнида ва мамлакатнинг миңтақавий сиёсатини амалга оширишда ана шу тартибдаги районлар назарда тутилади. Иккинчи хил районлаштириш эса кўпроқ илмий – тадқиқот ишларида ажратилиб, улар асосан соҳавий (тармоқ) хусусиятига эга бўлади. Бундай районлар таркибига фақат ўрганилаётган хўжалик соҳаси мавжуд бўлган жойлар киритилади, холос, қолган ҳудудлар эса "бўш" қолаверади. Масалан, Ангрен – Олмалиқ тоф – кон саноати ёки Қизилкумдаги қоракўлчиллик шу тоифадаги районларга киради. Демак, иқтисодий районлар интеграл (умумий) ва тармоқ районларга бўлинади.

Шундай қилиб, иқтисодий районлар объектив географик борлиқ, асосий мақсад эса уларни тўғри ажратади, аниқлашдан иборатdir. Ҳар қандай мамлакат доирасида иқтисодий районларнинг турли – туманлиги пировард натижада, унинг ижтимоий – иқтисодий ривожланганлигидан далолат беради ва айни пайтда бу – ички ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий географик жараённинг чуқурлашувини акс эттиради.

Мадомики иқтисодий районлар ҳар қандай мамлакатда (бу ерда унинг майдони, катта – кичиклиги муҳим аҳамиятта эга эмас) вужудга келар экан, мумкин

бўлган мунозара ёки баҳслар фақат уларнинг сони, таркиби ва чегаралари ҳақида бўлиши мумкин. Масалан, З.М. Акромов ва П.М. Мусаев томонидан ёзилган "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси" ўқув дарслигидаги 8 та иқтисодий "ноҳиялар" ажратилган: Тошкент, Фарғона, Мирзачўл, Самарқанд, Бухоро – Қизилқум, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қўйи Амударё (бироқ, бу ўринда жўғрофия ўрнида география, ноҳия ўрнига район ибораларини қўллаш тўғрироқ бўлар эди).

Биз юқорида иқтисодий районлар тўри ва таркиби вақт давомида ўзгариб туришини таъкидлаган эдик. Шу йўсинда ёндошадиган бўлсак, шубҳасиз, мустақил Ўзбекистон Республикасининг миллый ва минтақавий иқтисодиётини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг ёқилғи – энергетика, дон (фалла) ва йўл (транспорт) мустақиллигига эришувини жараённида унинг иқтисодий районлари ҳам сон ва сифат жиҳатидан таъсир топиб бориши муқаррардир. Эҳтимол, келажакда Фузор – Бойсун – Қумқўргон темир йўлини қурилиши оқибатида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ўзаро иқтисодий ва географик жиҳатдан "яқинлашиб", ягона жанубий иқтисодий районни шаклланishiغا сабаб бўлиши ажаб эмас. Айни чорда Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари яна анъанавий Зарафшон иқтисодий районлари доирасида бирлаштирилиши мумкин (Солиев, "Истиқбол" журнали, 1993, №1 – 2; Солиев, Султонов "Иқтисод ва ҳисобот" журнали, 1998, №8).

Мамлакатнинг маъмурий – ҳудудий тузилиши ва иқтисодий районлари ўртасида муайян алоқадорлик мавжуд. Шу билан бирга алоҳида вилоятлар хўжалиги ҳам иқтисодий район шаклида қурилиши мумкин. Бироқ, бундай тоифадаги бирликлар маъмурий – иқтисодий районлардир. Аслида улар мамлакатнинг геосиёсий тузилмасини ташкил этади, ҳақиқий (реал) географик районлар эса унинг геоиқтисодий тузилмасини акс эттиради.

Баъзилар иқтисодий район ва районлаштиришни собиқ Иттифоқ, коммунистик фоялар билан асоссиз боғлайдилар ва шу боис ундан воз кечиш тарафдори бўлиб чиқадилар. Ҳақиқатда эса мутлақо бундай эмас; назарий фоя ва концепциялар, агар улар чинаккам илмий бўлса, сиёсий

мафкура билан бевосита боғлиқ эмас. Зеро фан, илмий тадқиқот натижалари миллат ва элатни билмайди, уларнинг оламшумул, байналминал аҳамияти ҳам ана шунда. Қолаверса, районлаштириш ғоялари фақат собиқ Совет даврида вужудга келмаган, улар ундан олдинроқ ҳам мавжуд эди. Ҳозирги кунда ҳам ҳар қандай мамлакат (ижтимоий тузумидан қатъий назар) иқтисодий географик тавсифига бағишлаган китобни олинг, уларнинг барчасида иқтисодий районлар, ички тафовутлар банди албатта бор. Чунки мазкур бўлимсиз у тўлақонли, мукаммал географик асар бўла олмайди.

Ҳатто собиқ Иттилоқ ҳудудида ташкил топган мустақил давлатлар, масалан, Россия Федерацияси, Қозогистон Республикасининг янги чиқарилган иқтисодий ва социал географияси дарслекларига ҳам районлар қисми киритилган. Чунки, иқтисодий географик таъриф икки қисмдан, яъни тармоқлар ва регионал баёнидан иборат бўлмоғи зарур. Қолаверса, ҳар қандай билим яхлитликни, бир бутуниликни энг аввало алоҳида – алоҳида қисмларга, бўлакларга бўлиб ўрганишни, таҳлил қилишни тақозо этади. Айни чоғда бу – гуруҳлаш ва класификация методига ҳам мос келади.

Боз устига, биз мамлакатда иқтисодий районларнинг шаклланишини эски "сарқит" эмас, балки суворен республиканизнинг кўзгуси деб эътироф этмоқчимиз. Зеро, агар илгари Ўзбекистон собиқ СССРнинг бир парчаси, чеккаси бўлган бўлса, энди унинг ўзи бир дунё, улкан ва келажаги буюк давлатдир. Табиийки, бундан мустақил давлат ўзининг ички маъмурӣ ва геоиқтисодий тузлмасига эга бўлиши шарт.

Тўгри, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик шароитида иқтисодий районларга бўлган аввалги муносабат – уларнинг социалистик режалаштириш ва бошқариш обьекти сифатида қаралиши, планли ва пропорционал ривожланиши каби илгариги сиёсат ўз кучини тамомила йўқотди. Буларнинг ўрнига ҳозирги давр учун долзарб ва устувор аҳамиятта эга бўлган мамлакат доирасида ҳудудий меҳнат тақсимотини кенг кўламда ривожлантириш, ички иқтисодий интеграцион жараёнларни авж олдириш, мустақил давлатнинг минтақавий сиёсатини илмий асосда ишлаб чиқиш ва уни ҳаётта татбиқ этишга ўхшаш масалалар олдинга суримоқда.

Худди корхона ёки тармоқлар сингари эркин – ҳудудий рақобат, ҳудудлар иқтисодий ривожланишининг демократлашуви, бозор муносабатларига ўтиш даврида ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этишни давлат томонидан бошқариб, тартибга солиб бориш, геоэкологик муаммоларни ҳал этиш масалалари мұхим бўлиб келмоқда. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодий районлар билан бир қаторда улардан йирикроқ бўлган иқтисодий минтақаларни ҳам шакллантириш зарурияти туғилади. Чунончи, республикамизда Марказий, Шарқий, Жануби – Фарбий ва Шимоли – Фарбий минтақаларни ажратиш мумкин (Россияда ана шундай йирик ҳудудий бирликлар "округ" деб аталмоқда).

Мамлакатимиз ҳудудлари ижтимоий – иқтисодий ривожланиш дастурларини яратишда, унинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда иқтисодий районлаштириш илмий ва методологик асос сифатида хизмат қиласди. Айни пайтда, районлаштириш география фанининг бош принципи ҳамдир; чунки мамлакат хўжалиги ҳудудий таркибини, унинг ички ранг – баранглигини фақат районлаштириш орқалигина чуқур ўрганиш мумкин. Бундан географик билим ва фикрлаш учун ўзга йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Мамлакат ёки минтақалар хўжалигини фақат тармоқлар принципи асосида ўрганиш иқтисодий географик дунёқарашни қаноатлантирмайди; унда ички ҳудудий тафовутлар, бир жойнинг иккинчи жойдан фарқи унча сезилмайди. Бинобарин, иқтисодий география фанини (у ўқув предметигина эмас!) ўрганишда бу икки тамойилга – тармоқлар ва ҳудудий методларни уйғунлаштиришга катта урғу бермоқ зарур. Бироқ, бу иккиликда, шубҳасиз ҳудудий таркиб ва тузилма, районлаштириш аҳамиятлироқ бўлмоғи талаб этилади. Сабаби – аввалроқ қайд қилганимиздек, район, районлаштириш умуман география фанининг умуртқа погонаси, ўзаги, ибтидо ва интиҳосидир. Бундай оддий ҳақиқатни унтиш ёки уни тан олмаслик географияни камситиш, таҳқирлаш, уни фан мақомида инкор этиш билан баробардир.

Саволлар.

1. Район, ландшафт, регион тушунчаларини изоҳлаб беринг
2. Иқтисодий район ва иқтисодий районлаштиришнинг моҳияти нималардан иборат?
3. Иқтисодий географик жараён ва иқтисодий географик вазият нима?
4. Минтақавий сиёсат ва иқтисодий районлаштириш алоқадорлигини тушунтириб беринг.

Мавзу-6. Саноатда ишлаб чиқаришининг ижтимоий ташкил этиш муаммолари (2 соат).

Режа.

1. Саноатнинг ҳудудий ва ижтимоий ташкил қилиш шакллари.
2. Мужассамлашув ва унинг таърифи.
3. Ихтисослашувнинг ҳозирги шароитдаги аҳамияти.
4. Кооперациянинг комбинатлашувдан асосий фарқи.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустақиллиги унинг миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашни тақозо этади. Бу борада мамлакатимиз ўзига хос хусусиятларга эгадир. Чунончи, қулай агроиқлимий шароитлар, ҳар хил хом ашё ва маъданларга бой захиралар, меҳнат ресурсларининг кўплиги ва халқимизнинг тарихий шаклланган анъана ва удумлари республиканинг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил ривожланишига имкониятлар яратади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўтиш даврининг объектив қийинчиликлари Ўзбекистонда босқичма – босқич ҳал қилинмоқда. Айни пайтда бундай қийинчиликлар айрим "иттифоқдош" республикаларда анча кескин тус олмоқда. СССР парчаланиши туфайли горизонтал иқтисодий алоқаларнинг бузилиши, ишлаб чиқариш кооперациясининг ўта катта ҳудудда, марказлаштирилган ҳолда ташкил этилганлиги ва "Бутуниттифоқ меҳнат таҳсимотидаги" камчиликлар ана шундай оқибатларга олиб келади.

Бозор муносабатлариги ўтиш илгари мавжуд бўлган социалистик ишлаб чиқаришининг қатор ғоя ва

тушунчаларидан қатыйлик билан воз кечишни талаб қилади. Эндиғи шароитда мулкчиликнинг турли шакларини вужудга келтириш ва шу асосда эркин рақобат муҳити ва кўп қатламли иқтисодиёт тизимини жорий этиш катта ақамиятга эга. Хусусийлаштириш ва мулкчиликнинг нодавлат шакларини ривожлантириш кўпроқ ва илдамроқ қишлоқ хўжалигида амалга ошириладики, бу ҳам бўлса мамлакатимиз иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос хусусиятини ифодалаб беради. Масалан, мавжуд маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда яратилган саноат маҳсулотининг деярли 2F3 қисми нодавлат секторига тўри келса, бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигида 97 – 98 фоизга баробардир.

Сиёсий мустақилликни иқтисодий мустақилликсиз тасаввур этиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Ўз навбатида иқтисодий барқарорлик ва мустақиллик, энг аввало, озиқ – овқат (жумладан, дон етиштириш) ҳамда ёқилғи – энергетика ва йўл мустақиллигини таъминлашсиз амалга ошмайди. Айнан шу хусусда республика раҳбарияти томонидан тегишли ва муҳим зарурый чора – тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида саноатнинг ижтимоий ташкил этиш шакларида сезиларли ўзгаришлар бўлиши аниқ. Жумладан, концентрация (мужассамлашув) ҳозирги шароитда кескин ўзгаради. Бундай ўзгариш бевосита ёки соф ҳолдаги ишлаб чиқариш мужассамлашувига ҳам, шунингдек, унинг ҳудудий шаклига ҳам тааллуқлидир.

Маълумки, илгари йирик саноат корхоналарини қуриш анъана бўлиб қолганди. Ҳудди шундай улкан корхоналар бизнинг республикамизда ҳам қурилган эди. Ҳозирги кунда бундай ишлаб чиқариш мужассамлашуви билан боғлиқ булган муаммолар жиiddий тус олмоқда. Чунончи, "Ишлаб чиқаришни ҳудуд бўйлаб планли ва пропорционал ривожлантириш ва жойлаштириш" бўйича социалистик тузумдаги тамойил ўз кучини йўқотиш билан бир хил йўналишдаги саноат корхоналари кўпгина вилоятларда қурила бошланди (авваллари бундай корхоналар фақат айрим жойларда бўларди, холос). Бунинг асосида ўзига хос

ҳудудлараро эркин ва соғлом рақобат вужудга келдики, бу ҳам бозор муносабатларига тегишли бўлган белгидир.

Бироқ, бундай рақобат муҳитини шаклланиши натижасида мавжуд йирик корхоналарни хом ашё билан тўла ва узлуксиз таъминлаш тартиби бироз бузилди. Оқибатда, кўпгина саноат корхоналари, айниқса, енгил ва озиқ – овқат саноати тегишли хом ашё билан етарлича таъминланмаган ва шу боис улар тўла қувват билан фаолият кўрсатмаяптилар. Оғир саноатда эса бундай ҳол, асосан, горизонтал иқтисодий алоқаларнинг бузилиши, керакли хом ашё ва дастгоҳларнинг етишмаслиги сабабли содир бўлмоқда. Бинобарин, келажакда тармоқлараро ва районлараро иқтисодий интеграция шароитларига ҳам эътибор бериш керак.

Ўтиш даврида иҳтисослашув ҳам ўзгача кечади. Бунда аввалги тор иҳтисослашув, "монополия"га, яккаҳокимликка барҳам берилади, детал (қисм) ва технологик иҳтисослашув камайиб, предмет иҳтисослашув ривожланиб боради. Демак, ўтиш даврида ҳудудий меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш принциплари ҳам ўзгаради, энг муҳими – қаер нимани ишлаб чиқариши, нимага иҳтисослашуви бозор, талаб билан боғлиқ бўлиб қолади.

Маълумки, собиқ "Умумиттифоқ меҳнат тақсимотида" ҳар бир республика асосан бир ёки икки маҳсулот ишлаб чиқаришга иҳтисослашган эди, ўзи жаҳон бозорига бевосита чиқа олмасди. Ўша даврда республикалар хўжалиги ниҳоятда бир – бирига боғлиқ, интеграциялашган эди. Айтиш мумкинки, Иттифоқ парчалангандан сўнг айнан ана шундай ҳолат талайгина қийинчиликларга сабаб бўлди: ҳар бир республика ўзининг олдинги "бир ёки икки" маҳсулоти билан қолди, сиёсий мустақилликка иқтисодий мустақиллик қийинчиликлар тўғри келмай қолди. Бу эса собиқ иттифоқдош республикаларда ўтиш даврини, айниқса, унинг бошлангич йилларини анча оғир кечишига олиб келди.

Ҳозирги кунда иҳтисослашув фақат республика миқёсида эмас, балки алоҳида ҳудудлар, минтақалар эҳтиёжидан, маҳаллий ва минтақавий бозор талабларидан ҳам келиб чиқсан ҳолда амалга опирилмоқда. Масалан, илгари бутун Ўзбекистонда шиша йдишлар Тошкент вилоятининг фақат Искандар шаҳарчасида ишлаб чиқарилар

эди. Энди эса бундай маҳсулотнинг ишлаб чиқариш географияси кенгайиб (у Қувасойда ҳам ташкил қилинган), рақобат муҳити юзага келмоқда.

Бироқ, таъкидаш лозимки, ихтисослашув ҳар қандай ҳолда ҳам маълум даражада сақланиб қолиши шарт. Акс ҳолда мамлакат, вилоят ва бошқа минтақалар турли босқичдаги бозорларга қатнаша олмайдилар, улар орасида иқтисодий интеграция жараёнлари ҳам бўлмайди. Қолаверса, уларнинг ўрни, "ўзлиги" ҳам ҳудудий меҳнат тақсимоти, ихтисослашув билан белгиланади; ихтисослашган соҳа шу жойнинг умуртқа погонаси, "башараси" ҳисобланади. Ҳудудий меҳнат тақсимоти ихтисослашувга, бир жойнинг иккинчи жой иқтисодиётидан фарқ қилишига, районлар шаклланишига олиб келади. Бундай "занжирсизон" ҳолат иқтисодий география, ҳудудий тараққиёт дифференцияси ва интеграция жараённинг негизида ётади. Асосий мақсад эса ихтисослашувни меъёрида ташкил қилиш, бозор мунасабатларига ўтиш даврида лозим бўлган шароитда уни осонлик билан, бешикаст ўзгартиришдан иборатdir.

Ихтисослашув район иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир, у очиқ, эркин иқтисодиётнинг вужудга келишида энг асосий омилдир. Дарҳақиқат, ихтисослашган соҳалар орқалигина корхоналар, вилоят ва мамлакатлар ўзаро мунасабат қиласидилар. Бу мамлакат ичида геоиқтисодий хавфсизликни таъминлашга олиб келади, жаҳон бозорида эса унинг мавқеини ифодалайди.

Ихтисослашув ҳамкорлик, кооперация билан чамбарчас боғлиқ. Юқорида таъкидлаганимиздек, ўтиш даври иқтисодиётида мамлакатлараро, хусусан собиқ иттифоқдош республикалар орасидаги кооперация анча бузилди. Мамлакат ичида дастлабки пайтларда ҳар бир корхона, шаҳар ёки вилоят хўжалиги ҳам мустақил бўлишга уринганлиги туфайли улар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам бироз қисқариши мумкин.

Масалан, тўқимачилик саноатини олайлик. Илгари Тошкент, Фарғона, Бухоро каби марказларда йирик ип-газлама комбинатлари барпо этилган эди. Улар хом – ашёни, яъни пахта толасини яқин жойлашган қўйшни вилоятлар пахта тозалаш заводларидан ҳам олар эди. Ҳозирги кунда бундай типдаги корхоналар деярли барча вилоятларда

қурилган. Натижада юқоридаги корхоналарнинг кооперацияси (ҳамкорлиги) бузилди, катта қувватга, кўп ишчи ходимларга эга бўлган комбинат оқсаб қолди.

Айни пайтда кооперациянинг бошқа шакллари ривожланиб бормоқда. Чунончи, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналарнинг қурилиши ҳам кооперациянинг муҳим бир туридир.

Ишлаб чиқаришда детал ва технологик ихтисослашувнинг вақтинча камайиши, кооперация жараёнинг қисқариши ўз навбатида комбинатлашувнинг ривожланишини тақозо этади. Чиндан ҳам ҳозирги шароитда ҳар қандай йириклиқдаги корхона ёки ташкилот "универсал" бўлишга ҳаракат қилмоқда.

Маълумки, комбинатлашувда муайян бир хом ашё аосида турли хил маҳсулот ишлаб чиқариш ташкил этилади. У деярли барча саноат тармоқларига хос объектив жараёнлардир. Аммо комбинатлашув албатта аниқ бир йўналишга ихтисослашув, асосий ишлаб чиқариш жараёни атрофида шакланиши лозим. Чунки ҳар қандай мамлакат ёки вилоят хўжалиги энг аввало маълум ривожланган соҳа билан тавсифланади.

Комбинатлашувнинг муҳим иқтисодий томонлари мавжуд. Чунончи, хом – ашё, "ярим маҳсулот" (полуфабрикат) ва бошқа имкониятлардан фойдаланища транспорт ҳаражатлари камаяди, иқтисодий самарадорликка эришилади. Комбинатлашув ишлаб чиқариш чиқиндиларидан, "иккиламчи" хом – ашёдан фойдаланиш негизида ҳам олиб борилади. Бу, шубҳасиз, катта иқтисодий ва энг зарури – экологик аҳамиятта эгадир. Аммо, аввал таъкидлаганимиздек, корхона – комбинат даражсини ниҳоятда катталаштириш ҳам мақбул эмас. Сабаби – бундай ҳолатда акс ёки тескари самарадорлик вужудга келади, транспорт ҳаражатлари, интеграция жараёнлари, экологик вазият салбийлашади.

Оддий ишлаб чиқариш комбинатларидан ташқари ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари ёки мажмуналарида ҳам ҳудди шунга ўхшаш шароит юзага келади. Бу эса иқтисодий географик самарадорлик билан боғлиқ бўлиб, минтақавий иқтисодиётнинг миқдор кўрсаткичинигина эмас, балки унинг сифат жиҳатларини ҳам белгилаб беради.

Шундай қилиб, бозор муносабатларига (бу демак – очиқ ва эркин иқтисодиёт, мулкчиликнинг турли шакллари, монополияга қарши иқтисодиёт, рақобат мұхити ва ҳ.к.) ўтиш даврида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил этиш шаклларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Бундай шароитда кичик ва ўрта корхоналарни барпо қилиш, ихтисослашувни кооперация ва комбинатлашув билан уйғуналаштирган ҳолда амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Саволлар.

1. Саноат ишлаб чиқаришини ижтимоий ташкил этишининг шакллари қайсилари?
2. Мужассамлашувнинг ижобий ва салбий томонлари нимадан иборат?
3. Қай даражадаги ихтисослашув маъқул?
4. Көперациянинг комбинатлашувдан асосий фарқи нимада?

Мавзу –7 Демографик жараёнлар ва ижтимоий–иқтисодий муаммолар (Ўрта Осиё республикалари материаллари асосида, 2 соат)

Режа.

1. Демографик жараёнлар ва демографик вазият.
2. Демографик жараённинг ижтимоий – иқтисодий ривожланиш билан алоқаси.
3. Ўрта Осиё республикаларида демографик вазият.
4. Аҳолини табиий ва миграцион ҳаракатидаги ўзгаришлар

Ўрта Осиё республикалари –Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон мустақиллукка эришганларидан сўнг ўз олдилирида турган мұхим сиёсий, ижтимоий – иқтисодий муаммоларини ҳал этмоқдалар. Жумладан, миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш, уни бозор муносабатларига ўтиш даври талабларига мувофиқлаштириш, мавжуд табиий, социал – иқтисодий ва бошқа имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиш, мамлакатнинг геосиёсий мавқеини янади такомиллаштириш масалалари катта аҳамият касб этади. Шунингдек, аҳоли

муаммоларини ижобий ҳал этиш, унинг яшаш шароитини тубдан яхшилаш, сифат кўрсаткичларига эътибор бериш айниқса долзарбдир.

Одатда, табиат билан жамият тараққиёти ўртасида муайян даражадаги мутаносиблик кераклигидек, аҳоли ва иқтисодиёт ривожланиши ҳам бир – бирига мувофиқлашуви лозим. Шу маънода, иқтисодиёт, моддий ишлаб чиқариш жабҳалари аҳоли (нуфус) сонининг ўсишига нисбатан анча илдамроқ, устуворроқ ривожланмоқи керак.

Ўз навбатида иқтисодиётнинг бундай бўлишига аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари, "социал буюртмалар" ҳам сабаб бўлади. Зоро, фақат мустаҳкам иқтисодиёт негизидагина ҳалқ фаровонлиги, унинг моддий ва маънавий ҳаёти, турмуш шароити йилдан – йилга яхшиланиб боради, аҳолининг ноз – неъматларга бўлган талаби тўлароқ қондирилади.

Умуман олганда, демографик ва иқтисодий тараққиёт масаласи, уларнинг муштарак бирлигини шакллантириш ва ўйгунаштириш дунёнинг барча мамлакатлари учун хос ва улар ушбу муаммони ечишга турлича ёндашадилар. Бу хусусда асосан икки йўл бўлиб, у ҳам бўлса иқтисодиёт ривожини аҳоли ўсишига мослаштириш ва аксинча, аҳоли сонини мавжуд иқтисодий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда ҳамда ушбу масалани давлатнинг расмий демографик сиёсати асосида тартибга солиш ва унинг ўсишини чегаралашдан иборатдир.

Албатта, бу икки йўналишни қатъий равишда бир – бирига муқобил қўйиш хато, чунки ҳар қандай шароитда ҳам демопентрик принцип устун туради. Бинобарин, амалда кўпроқ биринчи йўналиш қўлланилмоқда ва бу шубҳасиз, мантиқан тўғридир. Сабаби, иқтисодиёт, моддий борлиқ, миллий даромад аҳоли сони ўсишига нисбатан тахминан 3 – 4 марта тезроқ ёки кўпроқ ўсмоғи лозим.

Шу билан бирга баъзи давлатлар иқтисодий танглик, экологик вазиятнинг ноchorлиги ва бошقا шароитлар туфайли аҳоли сони ўсишини пасайтиришга (тўхтатишга) мўлжалланган демографик сиёсатни ўтказмоқдалар. Айни пайтда иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида аҳоли сонининг камайишини тўхтатиш ва унинг барқарор

ўсишини рағбатлантиришга мойил ёки интилевчи давлатлар ҳам йўқ эмас.

Яна шуни қайд этмоқ жоизки, айрим минтаقا ва мамлакатларда экологик муҳит ва ижтимоий ҳаётнинг ёмонлашуви оқибатида аҳолининг "айланма ҳаракати" (обороти) кўпаймоқда – юқори даражадаги туғилиш кўрсаткичлари айни вақтда, афсуски, худди шунай юқори миқдордаги ўлим, ва айниқса, кўпроқ болаларнинг нобуд бўлиши билан содир бўлмоқда. Бу нохуш ҳолат, албатта, иқтисодий ва ижтимоий (маънавият, тарбиявий) жиҳатдан ҳам мақбул эмас. Зеро, бундай шароитда аҳолининг ўргача яшаш умри қисқаради, унинг сифат кўрсаткичларига, наслу – насаби, соғлом авлодни етиштиришга катта зарар етказилади.

Маълумки, Ўрта Осиё давлатларининг аҳолиси нисбатан жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. Масалан, минтаقا аҳолиси 1865 – 1999 йиллар мобайнида 8 марта ошди: 1865 йилда бу ерда тахминан 5,2 млн. киши яшаган эди, ҳозирги кунда эса бу рақам 41 млн. атрофида (2002 йил бошида). Шу йиллар давомида Ўзбекистон аҳолиси 8,5 – 9 баробар кўпайди; қолган қўшни давлатларда ҳам у тахминан шу миқёсда ошди. Агар 1865 йилга нисбатан қаралса, регион аҳолиси 1938 – 1939 йиларга келиб 2 баробар кўпайди. Демак, бунинг учун тахминан 75 йил талаб этилди. Кейинги йилларда эса аҳолисининг кўпайиши анча жадаллашади – 1970 йилга келиб аҳоли сони яна ҳиссага ошди ва 20 млн. кишини ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, аҳоли сонининг бундай кўпайиш даври деярли 2 мартаға қисқарди ва атиги 32 – 33 йилга teng бўлди, холос. Айтиш мумкинки, асримизнинг охирига келиб минтаقا аҳолиси 1970 йилга нисбатан яна икки ҳисса кўпайди, яъни 30 йил давомида унинг сони 40 млн – дан ошиб кетди.

Собиқ СССРнинг аҳолиси энг аввало Ўрта Осиё республикалари ҳисобидан кўпайиб бораради: мамлакат йиллик ўргача аҳоли сонининг кўпайишининг тахминан 35 фоизи Ўрта Осиёга, шундан 20 фоизи Ўзбекистонга тўгри келарди. Бинобарин, ўша йилларда минтақада ўзига хос демографик вазият вужудга келган эди.

Аҳолининг ўргача йиллик кўпайиш суръати ҳам юқорилашиб борди. Чунончи, бу рақам 1926 – 1939 йиларда

2,55 (СССР – 2,00), 1939 – 1959 йй. – 1,30 (0,50), 1950 – 1970 йй. 3,45(1,35) ва 1070 – 1989 йй. – 2,70 (0,90) фоизни ташкил этади. Тўғри, энг сўнгги йиларда бу ерда ҳам демографик ривожланиш жараёни сусайди – ҳозирги пайтда кўрилаётган кўрсаткич 1,81 – 2,0 фоиздан ошмайди (масалан, Ўзбекистон аҳолиси 2000 йилда 307 минг кишига ёки 1,3 фоизга кўпайди). Бунинг сабаби турлича: номахаллий аҳолининг ташки миграцияси кучайди, туғилиш бироз пасайди.

Минтақа аҳолиси асосан табиий кўпайиш негизида ўсиб бормоқда. Табиий кўпайиш эса бу ерда анъанавий равища юқори ва йиллар давомида унинг пасайиши аста – секин амалга ошмоқда. 2000 йилда туғилишнинг умумий коэффициенти (ҳар 1000 аҳолига нисбатан) Қирғизистон ва Туркманистон 22, Тожикистонда 19 киши, ўлим, юқоридагиларга мос равища 7 ва 6 кишини ташкил қиласди. Болалар ўлими Тожикистон ва Қирғизистонда 23, Туркманистонда 25 промилледан иборат. Ўзбекистонда худди шу йили туғилиш 22,0, ўлим 5,0 ва болалар ўлими 20,0 промиллела тенг бўлди.

Шу билан бирга минтақанинг демографик ривожланишида аҳоли миграциясининг ролинини ҳам инкор этиб бўлмайди, албата. Бу ерга четдан (хусусан Россия районларидан) аҳолининг кўчиб келиши XIX асрнинг сўнгти чорагида, иккинчи жаҳон уруши йилларида анча авж олган эди. 80 ичи йиллар охири ва 90 – йилларнинг биринчи ярмида эса акс вазият юзага келди – Ўрга Осиёдан “келгинди” аҳолининг қайта кўчиб кетиши кўпайди. Агар дастлабки йиларда ғайри маҳаллий милатлар кўпроқ узоқ хорижга (АҚШ, Истроил ва бошқалар) кўчиб кетган бўлса, кейинчалик эмиграция жараёни “яқин хориж”, яъни собиқ иттифоқдош республикаларини ва биринчи навбатда Россия, Украина давлатларини ҳам қамраб оди.

Мисол тариқасида, қўйидаги рақамларни келтириш ўринли: Ўзбекистон Республикасидан 1980 йилда “узоқ хорижга”, яъни собиқ СССР ҳудудидан ташқарига 900 киши кўчиб кетган бўлса, 1998 йилда ташки миграция 3580 кишини, 1989 йилда – 10100 ва 1990 йилда 41934 кишини ташкил этди. Қирғистонда ушбу рақамлар юқоридаги йилларга мос равища 957, 10618, 16757 ва 18035 кишига, Тожикистонда 905, 10463 ва 12468 кишига тенг. Фақат

Туркманистанда эммиграция жараёни сустроқ. Бу ердан 1980 йилда атиги 25 киши, 1988 йилда –56, 1989 йилда –57, 1990 йилда –302 киши күчип кетди, холос.

90 – йилларда ташқи миграция янада кучайды. Мисол, биргина Ўзбекистонда аҳоли алмашувининг натижаси, яъни сальдо миграция (миграция қолдиги) 1997 йилда 48,4 ва 1998 йилда 50 минг кишини ташкил қилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, аҳоли ўсиши билан иқтисодиёт ўртасида муайян мутаносиблик бўлмоғи талаб этилади. Мавжуд маълумотларга кўра 1997 йилда аҳоли жон бошига Ўзбекистонда 1020, Қирғизистонда 480, Туркманистанда 640 ва Тожикистанда 330 АҚШ доллари миқдорида ялпи миллий маҳсулот яратилган. Кўриниб турибдики, Ўрта Осиё мамлакатлари орасида вазият Ўзбекистонда бирмунча яхши ; бу республикада 1996 йилда макроиқтисодий барқарорликка эришилди, унинг иқтисодий ривожланиш даражаси 1990 йил ҳолатига яқинлашиб қолмоқда, ваҳоланки қўшни давлатларда бу кўрсаткич ҳали анча паст –1999 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот 6% дан зиёдроқча кўпайди. Бу эса аҳоли кўпайиши суръатидан деярли 4 марта юқори. Бинобарин, айтиш мумкинки, бу республикада ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг барқарорлашувига асос яратилмоқда.

Ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири аҳолининг ўртача умр кўришидир. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда эркаклар учун 68, аёллар учун эса 73 йилга баробар; Қирғизистонда у 65 ва 72, Тожикистанда 66 ва 71, Туркманистанда 63 ва 70 йилни ташкил қилади. ("Население и общество" ахборотномаси ,№ 38 август, 1999).

Кейинги йилларда Ўзбекистонда айниқса саноат ишлаб чиқариши жадал ривожланмоқда. Масалан, чоп этилган маълумотларга қараганда, республика бу борада 1999 йилда МДХ мамлакатлари орасида биринчи ўринга чиқиб олди; бу ерда саноат маҳсулотлари 1991 йилга нисбатан 117 фоизга ўсди. Ҳамма нарса таққослашда, қиёслашда равшанлашади, дейишади. Шу нуқтаи назардан ёндошсак, бу кўрсаткич Россияда 53, Украинада 51 ва Қозогистонда 48 фоизга тенглигини гувоҳи бўламиз. Рақамлар ўз – ўзича вазиятни

реал кўрсатмоқда ва уларни ортиқча таҳлил қилишга зарурият бўлмаса керак.

Саволлар.

1. Демографик вазиятнинг асосий белгилари нимадан иборат?
2. Демографик ривожланиш билан ижтимоий – иқтисодий тарроқиёт ўртасида қандай алоқалар бор?
3. Ўрта Осиё республикаларида демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
4. Ахолининг тақрор барпо бўлиши ва миграция жараёнлари минтақада қай даражада?

Мавзу – 8. Ўрта Осиё мамлакатларида аҳоли жойлашуви муаммолари.

Режа

1. Аҳоли зичлигининг асосий кўрсаткичлари.
2. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳудудий таркиби.
3. Қирғизистон ва Тожикистон республикаларида аҳоли жойлашув хусусиятлари.
4. Туркманистон аҳоли географияси.

Инсон фаолияти, унинг табиатга таъсири, ҳудуднинг иқтисодий ўзлаштирилганлиги даражаси кўп жиҳатдан аҳоли зичлигида ўз ифодасини топади.. Ўрта Осиё минтақасида ўртача аҳоли зичлиги ҳар 1 км² майдонга тахминан 30 кишини ташкил этади. Бироқ, бу "ўртача" кўрсаткич, холос, хақиқий, реал борлиқ эса анча бошқача ва мураккаброқ. Гап шундаки, ўлканинг кўп қисмида (чўл ва тоғларда) аҳоли жуда сийрак жойлашган. Бинобарин, бундай районларда аҳоли зичлиги паст. Айни пайтда майдони жиҳатидан нисбатан кичик, аммо инсон таъсири натижасида қадимдан юқори даражада ўзлаштирилган маълум ва машҳур бўлган воҳа – водийларда аҳоли ўта тифиз.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида аҳоли зичлиги 1 км² га 56 кишига етди (2002 й.). Ҳудуднинг демографик юкламаси айниқса Фарғона водийси, Чирчиқ ва Хоразм воҳаларида, яъни қадимдан сугориладиган

дэхжончилик районларида жуда юқори. Масалан, Хоразм вилоятида зичлик 221 кишини, Наманган вилоятида 264 кишидан зиёд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида (Тошкент шаҳри билан) 400 – 460 кишига тенг, Андижон вилоятида эса ушбу рақам ниҳоятда юқори – 528 киши.

Шу билан бирга кейинги йилларда ўзлаштирилган районларда ҳам аҳоли жойлашуви анча зичлашиб бормоқда. Бунга далил сифатида Сирдарё вилоятини олиш кифоя. Бу ерда ҳозирги кунда ҳар 1 км² майдонга 151 киши тўғри келади.

Аҳоли зичлиги бўйича иккинчи ўринда Тожикистон Республикаси туроди (40 кишидан ортиқ). Аммо бу мамлакатда аҳоли ниҳоят даражада нотекис ўрнашган: зичлик Суғд (аввалии Ленинобод) вилоятида 100 киши атрофида бўлса, Тоғли Бадаҳшонда – 3 киши. Ҳисор ҳамда Вахш водийларида мазкур демографик кўрсаткич нисбатан юқори. Айни пайтда Қирғизистон Республикасининг (25 киши) бирор маъмурий вилоятда аҳоли зичлиги 50 кишидан ошмайди. Чуй ва Ўш вилоятларида зичлик бироз юқори бўлса, Иссиққўлда ва Норинда у жуда паст.

1 – Жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг худудий тарқиби

(1.01.2001 й., минг киши ҳисобида).

Вилоятлар	Жами аҳоли	Шундан:		Шаҳар аҳолиси %	Зичлик, 1 кв.км. га киши
		Шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси		
Ўзбекистон Республикаси	24813,1	9225,3	15587,8	37,2	55,3
Қорақалпоғистон Республикаси	1527,0	738,4	788,6	48,4	9,2
Андижон вилояти	2216,5	656,6	1559,9	29,6	527,7
Бухоро вилояти	1437,4	442,6	995,1	30,7	35,7
Жizzах вилояти	991,5	298,2	693,3	30,1	46,8
Навоий вилояти	791,1	319,1	472,0	40,3	7,1

Наманган вилояти	1953,2	731,8	1221,4	37,5	263,9
Самарқанд вилояти	2710,0	727,6	1982,4	26,8	161,3
Сирдарё вилояти	649,9	207,9	442,0	32,0	151,1
Сурхандарё вилояти	1770,4	349,3	1421,1	19,7	88,1
Тошкент вилояти	2370,2	950,4	1419,8	40,1	151,9
Фарғона вилояти	2697,5	780,8	1916,7	28,9	402,6
Хоразм вилояти	1347,7	316,6	1031,1	23,5	220,9
Қашқадарё вилояти	2212,5	559,1	1653,4	25,3	77,4
Тошкент шаҳри	2137,9	2137,9	—	100,0	—

Ҳудуди жиҳатидан энг катта, аммо аҳолиси бўйича энг кичик бўлган Туркманистон Республикасида зичлик атиги 9 кишини ташкил этади, холос. Бироқ, бу мамлакатда ҳам сугориладиган кичик воҳаларда (Мурғоб, Тажан, Қизил Атрек ва ҳ.к.) аҳоли нисбатан тифиз жойлашган.

Аҳоли сонининг вилоятлараро тақсимланишини Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриши мумкин (жадвалга қаранг).

Ўрта Осиё республикаларининг урбанизация даражаси анча паст бўлиб, бу ҳолат қатор тарихий, иқтисодий ва демографик омилларига боғлиқ. Минтақадаги мавжуд 175 шаҳар ва 250 шаҳар типидаги паселкаларда (шаҳарчаларда) жами аҳолининг таҳминан 40 фоизи яшайди. Бу кўрсаткич Туркманистонда бирмунча юқори (45%). Аммо бундай вазият республика иқтисодий – ижтимоий ривожланиш даражасини акс эттирамайди, билакс, у мамлакатнинг ўта қурғоқчилик шароитида аҳолининг катта миқёсда ҳудудий мужассамлашув имконияти йўқлигидан дарак беради.

Қирғизистон аҳолисининг 38 фоизи шаҳар жойларига тўғри келади. Тоҷикистонда эса бу рақам жуда паст. Бунинг устига сўнгги 10 – 20 йиллар мобайнида республика умумий урбанизация даражаси пасайиб бормоқда – ки, бу ҳам бўлса

қишлоқ аҳолисини шаҳарликларга нисбатан устувор ўсиши натижасида содир бўлмоқда. Масалан, агар 70 йиллар ўртасида Тоҷикистон аҳолисининг 39 фоизи шаҳарлардан истиқомат қилган бўлса, энди эса бу рақам атиги 30 фоиз атрофида.

Ўзбекистонда 1999 йил маълумотига кўра, 121 шаҳар ва 113 та шаҳар типидаги поселка мавжуд. Уларнинг барчасида мамлакат аҳолисининг 37,6 фоизи яшайди. Ушбу республикада ҳам охириги йилларда мазкур кўрсаткич аста – секин пасайиб бормоқда, чунки 80 – йилларнинг иккинчи ярмида 41 фоиздан ортиқ аҳоли шаҳарликлар ҳисобланар эди.

Мамлакат миқёсида урбанизациянинг уумумий демографик даражаси нисбатан Тошкент, Навоий вилояtlари ҳамда Қоақалпагистон Республикасида юқори. Шу билан бирга Хоразм ва айниқса Сурхандарё вилоятида у анча паст.

Умуман олганда, Ўрта Осиё давлатларига урбанизациянинг ўзига хос хусусияти, кўпроқ "шарқона" тузи мос келади. Бу ҳам бўлса минтақада кичик шаҳарларнинг кўплиги, шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқнинг камлиги, иқтисодиёт ва маданиятининг тарихан сугорип дехқончилиги ҳамда савдо, ҳунармандчилик ва косибчилик билан боғлиқлигига ўз ифодасини топади.

Урбанизациянинг реал ҳолати ёки даражаси йирик шаҳарлар ва уларнинг мураккаб ҳудудий тизими бўлган аҳоли жойлашувининг агломерация типларида намоён бўлади. Биргина Ўзбекистонда 17 та йирик (яъни ҳар бирининг аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ) шаҳарлар бор. Улар негизида Тошкент, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Урганч, Қарши агломерациялари вужудга келган. Қолган республикаларда ҳам аҳоли жойлашувининг бундай шакллари мавжуд (Бишкек, Душанбе, Ўш, Хўжанд, Ашхобод, Чоржўй агломерациялари).

Катта – кичик шаҳарлар, қишлоқларнинг ниҳоятда тифиз жойлашуви айниқса қадимдан ўзлаштирилган воҳаларда кузатилади. Бунга яқъол далил сифатида Фарғона водийсини келтириш ўринли, чунки бу мамлакатлараро регионда жуда кўп шаҳар ва шаҳар агломерациялари шаклланган. Улар деярли бир – бирлари билан туташиб кетишиган, йўллар ва

каналлар бўйлаб узлуксиз, занжирсимон жойлашган. Шу боис ушбу водийда ўзига хос мегаполис вужудга келганки, уни шартли равишда ФАНЎХ деб аташ мумкин (бу қисқартма суз вилоятлар маъмурӣ марказларининг бош ҳарфларидан таркиб топган, яъни у Фарғона, Андижон, Наманган, Ўш, Хўжанд демакдир).

Табиий ва демографик омиллар, сиёсий – тарихий воқеалар таъсирида Ўрта Осиёда ўзига хос хўжалик тизими шаклланган. Одатда, қурғоқчилик минтақаларида хўжалик таркиби икки асосий қисмдан иборат бўлади. Бу ҳам бўлса обикор деҳқончилик ва тоғ – кон саноатидир. Уларнинг асосида қайта ишлаш саноати, яъни озиқ – овқат, енгил, қурилиш, кимё ва металлургия, ёқилғи – энергетика мажмуалари ва бошқалар ривожланади.

Аммо, Ўрта Осиё мамлакатларида турли сабабларга кўра хўжаликнинг мураккаб ва мукаммал мажмуаалари вужудга келмаган. Унинг устига собиқ Иттилоқ давридаги меҳнат тақсимотига мувофиқ ушбу регион битта объект ёки ҳудудий иқтисодий бирлик сифатида қаралган. Натижада, республикаларда кўпроқ бир – бирларга ўхшаш, асосан ҳом ашё йўналишидаги хўжалик таркиби вужудга келган эди. Шу боис ҳозирги кунда бу давлатлар ўзларининг яқин, ён қўшинларидан бир – бирларига берадиган ёки оладиган маҳсулотлар тури жуда оз. Бу эса регионда ягона иқтисодий муҳитни ташкил ташкил этишга, ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни амалга оширишга бироз бўлсада халақит беради.

Ўрта Осиё республикаларида пахтачилик ва чорвачилик тарихан ривожланган. Уларда, шу билан бирга, ёқилғи – энергетика саноати ҳам тараққий этган. Агар алоҳида давлатлар даражасида кўрадиган бўлсак, Ўзбекистонда энг аввало деҳқончилик (пахтачилик), пилла етишириш, қўйчилик (қоракўл қўйлари), газ, кўмир, рангли металлургия, кимё ва қурилиш саноати ривожланган. Бу республика дунё ҳамжамиядда ўзининг пахта ва пилласи, олтин, мис ва табиий газ заҳиралари билан ажралиб туради. Ҳудудининг анча катталиги, демографик салоҳиятини кучлилиги ҳам республика миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашга, унинг сиёсий – ижтимоий ривожланишига сезиларли даражада таъсир этади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий Осиё сиёсий – географик миңтақасининг қоқ марказида жойлашганлиги, унинг шимоли – гарбдан жануби – шарқа томон узоқ масофада чўзилганлиги, 5 та мустақил давлатлар билан чегарадошлиги (Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистон) мамлакат ривожланишидаги муҳим географик омил ҳисобланади. Шунинг учун Ўзбекистонда ички ва ташқи транспорт тизимини ривожлантириш, уни жаҳон бозорига чиқиш учун қулай, арzon ва ҳавфсиз йўлларни яратиш катта аҳамиятга эга. Айни пайтда бу мамлакатнинг сиёсий – географик мавқеини яхшилашга олиб келади.

Туркманистон Республикасининг ривожланишида унинг қатор омил имкониятлари қулай шароит яратади. Бу борада энг аввало унинг табиий газ ва нефт конларига бойлиги, пахта ва қимматбаҳо қоракўл қўйлари, гилам ва машҳур аҳалтеки отларини таъкидламоқ зарур. Қолаверса, мамлакатнинг геосиёсий ўрни ҳам нисбатан қулай – у бевосита ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган Каспий дengизига чиқади (ва у орқали Эрон, Озарбойжон, Россия Федерацияси, Қозоғистон билан алоқа қила олади); катта масофада Эрон давлати билан чегарадош. Яқинда қурилган Серахс – Машҳад темир йўли эса бу имкониятни янада кенгайтиради, у фақатгина Туркманистон учунгина эмас, балки бошқа Марказий Осиё давлатларининг жаҳон бозорига, дунё океанига чиқишига қулайлик туғдиради.

Қолган икки Ўрта Осиё республикалари – Қирғизистон ва Тожикистон ҳам ўзларининг мустақил ривожланишида қатор имтиёзларга эга. Бироқ бу имкониятлар мамлакат ҳудудининг асосан тоғли эканлиги туфайли бироз, қўшни республикаларга нисбатан, чекланган. Шундай бўлсада, ушбу республикаларда арzon сув энергетикаси ҳамда тоғ – кон саноатини устувор даражада ривожлантириш уларнинг миллий иқтисодиётини мустаҳкамлашда, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда катта аҳамият касб этади. Айни пайтда Қирғизистон ва Тожикистон қўшни Хитой Республикасининг Синзян – Уйғур муҳтор райони билан транспорт – иқтисодий алоқаларини яхшилаш ҳам муҳим омиллардан ҳисобланади.

Минтақадаги мавжуд табиий имкониятлардан фойдаланиш негизида саноат марказлари ва тургунлари, иқтисодий районлар ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари вужудга келмоқда. Буларга Мирзачўл, Қарши, Ангрен – Олмалиқ, Фарғона, Бухоро – Навоий ҳудудий мажмуалари мисол бўла олади.

Ўрта Осиё республикалари иқтисодиёти ва аҳоли жойлашувининг ҳудудий таркиби ҳам турлича. Бу эса минтақа табиий шароит, ер усти тузилишининг турли – туманлиги, янги районларини ўзлаштириш имкониятларига боғлиқ. Масалан, Ўзбекистон аҳолиси ва хўжалиги энг аввало Фарғона водийсида, шунингдек, Зарафшон, Чирчиқ – Оҳангарон ҳамда Хоразм воҳаларида юқори даражада мужассамлашган. Айни пайтда Устюорт ва Қизилқум, чўл ва тоғли районларининг иқтисодий ва демографик салоҳияти анча паст.

Туркманистон Республикаси иқтисодий ва ижтимоий географияси ҳам ўзига хос. Қизифи шундаки, бу мамлакатнинг хўжалиги ва аҳолиси асосан чекка районларда – жанубда, темир ва автомобиль йўллар, Қорақум каналини бўйида, қисман Каспий соҳилида ва Амударё бўйида лентасимон бўлиб жойлашган. Бундай иқтисодий географик вазият, одатда, табиий шарити ноқулай ва нотекис бўлган мамлакатларга тегишли (масалан, Қозогистонда ҳам ҳудди шундай ҳолат кузатилади.). Бунинг сабаби – мамлакат хўжалигининг ҳудудий ташкил этилишини кўпроқ ички сув манбаларига боғлиқлигидир.

Шу билан бирга тоғли ўлкалар хўжалигининг ҳудудий таркиби ёки тузилиши ниҳоятда нотекис. Жумладан, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари ҳудудий – иқтисодий жиҳатдан 2 асосий (бир – бирига "тескари" жойлашган) бўлаклардан иборат. Қирғизистонда, масалан, мамлакат пойтахти ва унинг ижтимоий – иқтисодий салоҳиятини катта қисми шимолда, яъни Чу – Талас водийсида ўрнашган. Иккинчи муҳим иқтисодий район эса акс томонда, яъни жанубга, Фарғона водийси ва унга туташ жойлашган Ўш, Жалолобод ва Боткен вилоятларининг төғ олди ва текислик қисмларига тўғри келади. Республиkaning қолган катта ҳудудида хўжалик тармоқлари ва аҳоли манзилгоҳлари сустроқ ривожланган.

Худди шундай – Тожикистанда ҳам икки чекка, аммо аҳолиси зич жойлашган ва иқтисодиёти бирмунча ривожланган районлар мавжуд. Мамлакатнинг пойтахти ва унинг нисбатан тараққий этган қисми жанубда – Ҳисор водийсида, иккинчи район тарихан ўзлаштирилган Ленинобод (Хўжанд) вилоятига тўғри келади. Вахш ва Қизилсув водийлари бу борада ажралиб турмайди, ҳудуди катта бўлган Тоғли Бадаҳшон муҳтор вилоятида эса хўжалик тизими ниҳоятда заиф.

Яна шуни қайд этиш жоизки, Ўрта Осиёда, маъмурий – ҳудудий жиҳатдан қаътий назар, сув манбалари мавжуд бўлган жойларда мамлакатлараро ўзига хос иқтисодий географик ва демографик районлар тарихан ташкил топган. Бунга типик мисол сифатида Фарғона водийсини келтириш мумкин. Ушбу водий учта қўшни республикалар (мамлакатлар)ни бирлаштирувчи географик тутун ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг қадимдан ўзлаштирилган районлари жойлашган. Бундай водий ва воҳалар ер юзидағи қурғоқчилик минтақаларининг кўпчилигига хосдир.

Инсон фаолияти натижасида Ўрта Осиё табиати анча ўзгарди; замонавий хўжалик тармоқлари, суғориш иншоатлари, транспорт ва бошқа инфраструктура турлари, шаҳар ва йирик саноат марказлари барпо этилди. Бироқ, бу билан бирга табиат ва жамият ўртасидаги мувозанат ҳам бироз бузилди. Бунга айрим ҳолларда табиатга нотўғри муносабат, табиат қонунларини менсимаслик, занжирсизмон келиб чиқадиган оқибатларни кўрабилмаслик сабаб бўлди.

Ҳозирги кунда экологик вазият минтақанинг кўпчилик районларида соғлом эмас. Бу борада энг аввало ҳаммага маълум бўлган Орол бўйи ҳудудини келтириш ўринли (ушбу регионда Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоқистон республикаларининг туташ қисмлари жойлашган). Ўрта Осиёда суғориладиган ерларни пахта якка ҳокимлигини мустаҳкамлаш мақсадида кенгайтириш, катта – кичик сув омборларини кўпайтириш, Аму ва Сирдарё сувларидан ноқилона фойдаланиш Орол денгизи сатҳини сўнгги 35 – 40 йил мобайнида кескин пасайишига, минтақадаги экологик мувозанатни бузилишига олиб келди. Тупроқ, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, ичимлик сувининг шўрланиши

оқибатида аҳоли саломатлиги ҳам анча ёмонлашадики, бу ҳам бўлса юзага келган экологик фожианинг энг муҳим ҳосиласидир. Касалликлар тури ва миқдори кўпайди, айниқса аёллар ва болалар саломатлиги ёмонлашди.

Афсуски, экологик ҳолат фақаттина Орол бўйидагина кўнгилсиз эмас: Оҳангарон водийсида, Чирчиқ воҳаси, Навоий шаҳри атрофларида ҳам бу вазият ижобий томонга ўзгартиришни талаб этади. Айтиш лозимки, ушбу регионларда атроф – муҳитнинг ифлосланиши асосан саноат корхоналари ва марказларини нотўғри жойлаштириш, замонавий технологиянинг камлиги туфайли содир бўлади.

Тахминан шундай ҳолат Ҳисор ва Чуй водийларида ҳам кузатилади. Айниқса Ҳисор водийсидаги (Душанбе яқинидаги) цемент ва Регар шаҳридаги алюминий заводи экологик вазиятнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Фаргона водийсида эса экологик ҳолат иқтисодий шароитлар билан бир қаторда антропоген (инсон) омил таъсирида ҳам шаклланган. Бундан ташқари, водийнинг географик шакли – унинг ёпиқ эканлиги ушбу вазиятни янада ёмонлашувига олиб келади. Худди шундай географик ҳолат Оҳангарон водийсига ҳам мансуб.

Айни пайтда янги ўзлаштирилган ерларда – Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларида, Туркманистондаги Қорақум канали бўйларида ер ости сувларинг сатҳи кўтарилиди, тупроқнинг қайта шўрланиш ҳоллари кучайди. Суғоришга сарф этилган сувларнинг дарёларга қайтиб тушмаслиги сабабли минтаقا харитасида янги – янги сұйний кўллар вужудга келди (Хайдаркўл, Сариқамиш ва ҳ.к.).

Суғориш ва ерларни ўзлаштириш мақсадида қурилган жуда кўп сув омборларининг оқибати ҳам унча яхши бўлмади. Хусусан тоғ ёнбағриларида барпо этилган сув омборларининг қуий қисмида ер ости сувларининг сатҳи кўтарилиган, натижада ер заҳланиб, уй – жой қурилишига, аҳоли саломатлигига, боғдорчилик ва мевачиликка катта зарар етказилмоқда.

Курғоқчиллик минтақаларида юзага келган муаммолар ичида хўжалик қурилмасининг тўла шакланмаганлиги ҳам катта ўринга эга. Бу ерда асосан тоғ – кон саноати, хом ашё қазиб олиш кўпроқ ривожланган, ишлаб чиқариш жараёнининг "юқори қувватлари", технологик занжирнинг

давоми, аҳоли эҳтиёжи учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эса энди йўлга қўйлмоқда.

Аҳоли жойлашуви билан боғлиқ яна бир долзарб муаммо – мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишdir. Ҳозирги пайтда барча Ўрта Осиё мамлакатларида меҳнат заҳираларидан етарлича фойдаланимаяпти. Гарчи расмий, тегиши ташкилотларда – меҳнат биржаларида ишсизлар сони оз бўлсада, унинг реал миқдори анча кўп. Бу эса айrim минтақаларда социал тангликка, геокриминоген вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлади.

Аҳолининг нисбийгина эмас, балки мутлоқ кўплиги асосан қадимдан ўзлаштирилмаган, ер майдони танқис ҳудудларда кескин намоён бўлмоқда. Бундай ҳолат эса ижтимоий – иқтисодий ривожланишга, аҳолининг турмуш даражасига сезиларли даражада таъсир қиласи.

Бу ва бошқа муаммоларнинг ечими кўпроқ транспорт шаҳобчаларини ривожлантириши, хорижий сармоялар асосида ва замонавий технология ёрдами билан янги – янги корхоналарни қуриш, малакали ишчи кадр ва мутахассисларни тайёrlаш мавжуд меҳнат ресурсларидан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишга боғлиқ. Республика иқтисодиётини бу жиҳатдан, фикримизча, ҳам "пастдан" ҳам "юқоридан" қурмоқ даркор, яъни мавжуд корхоналар учун зарур ҳом ашё ва тайёrlов базасини яратиш, уларни керакли дасттоҳ ва асбоблар билан жиҳозлаш ва айни пайтда ишлаб чиқариш жараённинг узлуксизлигини тайёр маҳсулот олишга қадар бўғинлари билан тўлдириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Қурғоқчилик ва экологик мұҳит ёмонлашган районларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш кечикитириб бўлмайдиган муаммолар сирасига киради. Зоро аҳоли саломатлиги, соғлом авлодни вояга етишиши тайёр маҳсулот унинг ичадиган сувининг сифатига боғлиқ.

Албатта, табиий шароит ҳар хил бўлган районларда ишлаб чиқариш кучларини ҳамма жойда ҳам бир хил ва айни даврда бир даражада ривожлантириш мушкул масала. Шу боис, хўжалик ҳудудий таркибидағи маълум миқёсда номутаносибликнинг сақланиб қолиш табиийдир. Бундай шароитда мамлакатнинг турли районларида янги – янги

саноат марказлари, ўсиш "қутблари"ни яратиш зарур. Бу борада хорижий давлатлардаги ижобий тажрибалардан фойдаланиш, бозор иқтисодиёти инфраструктурасини жорий этиш аҳамиятидан холи эмас.

Шунингдек, табиий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда ва экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида мустақил мамлакатларнинг минтақавий ва демографик сиёсатини илмий асосда яратиш, уни изчил амалга ошириш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожланиши давлат томонидан бошқариб бориш ва тартибга солиш ҳам ўта муҳим вазифалардандир.

Саволлар

1. Брутто ва нетто зичлик нима?
2. Аҳоли зичлигига таъсир қилувчи асосий омиллар қайсилар?
3. Ўзекистон вилоятларининг демографик сифими қай ҳолатда?
4. Ўрта Осиё республикаларида урбанизация жараёнининг асосий хусусиятларини аниқланг.

Мавзу – 9. Ўзбекистонда иқтисодий ва социал география фанининг ривожланиши.

Режа.

1. Ўзбекистонда иқтисодий ва социал географиянинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Иқтисодий география ва иқтисодий географлар.
3. Иқтисодий географиянинг асосий йўналишлари ва географияси.
4. Фаннинг истиқболда ривожланишидаги устувор йўналишлари.

Иқтисодий географиянинг Ўзбекистонда ривожланиши, унинг энг янги тарихи якунланаётган асрнинг 20 – йилларидан бошланади. Шу даврда нашр этилган иқтисодий география ва ҳудудий иқтисодиётига доир илмий ишлар кўпроқ Ўзбекистон ва Ўрта осиёнинг умумий таърифига бағишиланган эди. Бу йуналишдаги тадқиқотларда энг аввало

Г.Н.Черданцев ва В.М.Четиркинларнинг хизмати катта бўлган. Чунончи, Г.Н.Черданцевнинг 1922 йилда ёзган Ўрта Осиё ҳақида монографиясида ўлка иқтисодиёти тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. У 1928 йилда Ўрта Осиё республикаларига бағишиланган китобини ҳам чоп эттирган.

Тахминан ана шу йилларда Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ва уни районлаштиришга бағишиланган тадқиқотлар бошлиланган. Бу ишлар В.М.Четиркин ва Ю.И.Пославский томонларидан олиб борилган. В.М.Четиркин (у 1892 йилда Самарқандда туғилган) 1926 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳволи ва ривожланиши борасида китобини ёзган. Кейинчалик у Тошдўй иқтисодий география кафедраси мудири сифатида (1944 – 1948 йй.) қишлоқ хўжалигини районлаштириш, турили вилоятлар табиити ва хўжалигини ўрганиш, ёш географ одимларни тайёрлашга алоҳида эътибор берган.

Иқтисодий географиянинг ривожланиши ўтгизинчи йилларда табиий бойликларни ўрганиш бўйича олиб борилган экспедициялар (саҳро тадқиқотлари) ва илмий анжуманлар билан боғлиқ бўлган. Жумладан, бундай тадқиқотлар Қорақалпогистонда ҳамда унинг Устюрт қисмида амалга оширилган, республикамиз ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш мавзусида 1933 йилда дастлабки илмий анжуман ўтказилган.

Ўзбекистонда иқтисодий географиянинг ривожланишида Тошкент (Ўрта Осиё) Давлат университети – ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида шу номли биринчи кафедранинг ташкил этилиши ва бу кафедра қошида 1943 йилда аспирантуранинг очилиши катта аҳамиятта эга бўлган. Кафедра ходимлари 50 – йиллардаги Фаргона водийси экспедициясининг ўтказилишида фаол қатнашишган. Бундай саҳро тадқиқотлари, шунингдек Қашқадарё, Сурхон – Шеробод ва Зарафшон водийларида ҳам амалга оширилган, Тошкент шаҳри атрофлича ўрганилган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида, хусусан В.М.Четиркин ҳамда К.Н.Бедринцевларнинг ишларида районларнинг комплекс муаммоларини ўрганиш илмий йўналиши шакланган. Айни пайтда олиб борилган саҳро тадқиқотлари жараённида Р.С.Лобач, З.М.Ақромов,

Р.А.Ходиев, Т.Тожимов, Т.Раимов, Э.Тошибеков каби қатор олимлар етишиб чиқсан. Н.Г.Цапенко, В.М.Четиркин ва К.Н.Бедринцевлар билан биргаликда иқтисодий районлаштириш муаммолари устида иш олиб борган.

Маҳаллий миллат вакилларидан биринчи иқтисодий география бўйича номзодлик диссертациясини З.М.Акромов 1953 йилда ёқлаган. Ушбу диссертация асосида у киши Наманган вилоятининг иқтисодий географик таърифига бағишланган монографиясини нашр эттирган. Кейинчалик проф. З.М. Акромов Бухоро ва Самарқанд вилоятлари қишлоқ хўжалиги, чўл, тоғ ва тоғолди районларини ўзлаштириш, иқтисодий районлаштириш каби муаммолар устида изланишлар олиб борган. У киши иқтисодий география кафедрасининг мудири (1970 – 1984 й.) ва Ўзбекистон Республикаси География жамияти ҳамда Фанлар академияси қошидаги География бўлимида қатор фан номзоддари ва докторларини тайёрлашда самарали ишларни бажариб келмоқда.

Иқтисодий география фанининг ривожланишида илмий анжуманлар ва чоп этилган китобларнинг аҳамияти салмоқли бўлган. Жумладан, Ўрта Осиё ва Қозогистон республикаларини табиий географик ва иқтисодий географик районлаштириш бўйича 1959, 1961, 1967 ва 1971 йилларда, аҳолишунослик муаммолари тўғрисида 1965, 1972 йилларда илмий анжуманлар ўтказилган. Шунингдек, урбанизация жараёнлари нуфузли илмий семинарларда (1973 ва 1975 й.) муҳокама этилган. Бундай тадбирларни ташкил этишда З.М.Акромов, М.К.Қораҳонов ва О.Б.Отамирзаевларнинг хизматлари катта бўлган. Кейинги йилларда Самарқанд (1984), Ангрен (1987), Наманган (1989), Фарғона (1991), ва бошқа шаҳарларда ҳам иқтисодий ва социал географиянинг турли муаммоларига бағишланган илмий – амалий анжуманлар ўтказилган. Республика География жамиятининг навбатдаги съезди 2000 йилда Самарқандада ўтказилди. Бу ўринда география фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшаётган ушбу жамиятнинг ахборотномаларини мунтазам равища чоп этиб боришини алоҳида таъкидламоқ зарур (асосий ташкилотчилар З.Акрамов ва Ш.Азимов).

Ўзбекистон республикаси тўғрисидаги географик китоблар 1950, 1953, 1956, 1963 йилларда нашр эттирилган, энг сўнгиси 1982 йилда чиқкан. Бу китобларни ёзишда ТошДУ география факультети олимлари фаол қатнашишган. Мустақил Ўзбекистон Республикасида мактаблар Э.Аҳмедов китобларида ҳам баён этилган. Шу билан бирга ўрта ва олий мактаблар учун Ўзбекистон иқтисодий географиясидан дарслклар ёзилган. Дастлабки ўрта мактабларга оид дарслик Н.Г.Цапенко ва Н.В.Смирнов ҳаммуаллифлигида нашр эттирилган. Кейинчалик бу мавзудаги китоб проф. З.М.Акромовнинг П.Мусаев билан ҳамкорлигида яратиб келинмоқда. Олий мактаблар учун эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий географияси Г.Асанов, М.Набиқонов ва Э.Сафаровлар томонидан ёзилган. Г.Асанов аҳоли географияси ўқув қўлланмаси, социал – иқтисодий географиянинг изоҳли лугати ҳақида китоблар ҳам чоп қилдирган. Турли мавзу ва кучларга доир ўқув қўлланма ва услубий кўрсатмалар Р.Ходиев, А.Солиев, А.Қаюмов, Х.Салимов, Ж.Холиқов, С.Боқиев ва бошқалар муаллифлигида ёзилган. Сурхандарё, Намангандарё, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари географияси тўғрисидаги ҳар хил ҳажмдаги асарлар яратилган (А.Рўзиев, О.Абдуллаев, И.Назаров, М.Янгибоеv, Р.Қурбонниёзов).

Шундай қилиб, ҳозирги кунда республикамизда иқтисодий ва социал географиясининг икки асосий йўналиши шаклланган. Биринчи йўналиш – қишлоқ хўжалиги географияси бўлиб, у нисбатан олдинроқ вужудга келган. Агрогеографиянинг назарий масалалари, қишлоқ хўжалигини районлаштириш, ишлаб чиқиришнинг ҳудудий тизимлари ва агросаноат мажмуалари юзасидан В.М.Четиркин, З.М.Акромов, К.И.Лапкин, А.Рўзиев, К.Абирқулов, О.Абдуллаев, М.Юсупов, Е.Умаров, А.Содиқовлар тадқиқот олиб боришган. Янги ерлар – чўл ва тоғ олди минтақаларни ўзлаштириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ер – сув заҳираларидан фойдаланиш, сув омборларини куриш ва сугориш дехқончилиги масалалари Р.Ходиев, Т.Эгамбердиев, С.Сайдкаримов, С.Исломов, Ф.Ашурев, Э.Ҳошимов, Ш.Азимов, З.Золотарев, К.Курбонов, Б.Шотурсунов, Т.Шотўраевларнинг ишларида ўрганилган. Шунингдек,

қишлоқ хўжалик географияси мавзусида М.Аҳмедов, М.Ёқубовларнинг ҳам номзодлик диссертациялари ёзилган.

Шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги Р.Усмонов, С.Боқиев, Х.Ҳалилова ва Ж.Мусаевлар томонидан ёритилган боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик, пахта етишириш ва уни қайти ишлаш бўйича М.Маҳмудова, Х.Шосаидов, К.Гадоев, А.Холмирзаев, Қ.Аллановлар номзодлик диссертацияларини ёзишган, алоҳида районлар қишлоқ хўжалигига М.Валихонов (Қўйон воҳаси), И.Ишчонов (Хоразм воҳаси)ларнинг ишлари бағишлиланган.

Иккинчи йўналиш –аҳоли ва аҳоли манзилгоҳларнинг география ва демография муаммолари, шаҳарлар ва урбанизация жараёнининг регионал масалалари бўйича тадқиқотлар нисбатан тарихан кечроқ вужудга келагн бўлсада, у кейинчалик жуда тез ривожланиб кетди. Ушбу йўналишнинг шаклланиши энг аввало Н.В.Смирнов фаолиятидан бошлиланган. Н.В.Смирнов ва Н.Г.Цапенко илмий раҳбарлигида республикамиз ва хусусан Фарғона водийси шаҳарлари бўйича кўплаб диплом ишлари бажарилган. Бунинг натижасида Н.В.Смирнов 1957 йилда Фарғона водийси шаҳарлари тўғрисидаги китобини нашр эттирган. Кейинчалик Ўзбекистон ва унинг айrim районлари – Қўйи Амударё, Тошкент ва Тошкент вилояти шаҳарлари ҳақида ҳам илмий асарлар яратилди.

Аҳолининг табиий ва механик ҳаракати, оила демографияси, аҳолини башорат этиш каби муаммоларни ўрганиш айниқса М.К.Қорахонов раҳбарлигида ташкил этилган Ўрта Осиёда ягона Илмий тадқиқот лабораторияси фаолияти билан боғлиқ бўлди. Ушбу йўналишнинг ривожланишида И.Муллажонов, Х.Салимов, Г.Асанов, О.Отамирзаев, М.Бўриеваларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Аҳоли ва меҳнат ресурлари Р.А.Убайдуллаева, А.Қаюмов, О.Эргашев, М.Янгибоеv, И.Сафаров, Т.Жумаев, И.Атажанов, аҳоли миграцияси С.Н.Кононенко, Л.П.Максакова, Б.Маҳмудов аҳолининг табиий ҳаракати Р.Валиева, Н.Алиакбарова, М.Ўринова, А.Фаниевлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистон гарчи қишлоқ жойлар ва урбанизация жараёни нисбатан суст ривожланган мамлакат бўлсада, бу ерда шаҳар мавзуси анча олдинлаб кетган. Бу хусусда энг

аввало Т.Раимовнинг хизмати катта бўлган; у киши О.Отамирзаев ва А.Солиев билан ҳамкорликда ("Ўрта Осиё учлиги") қатор мақолалар ёзишган. Шунингдек, шаҳар муаммолари Э.Тошибеков, Э.Аҳмедов, Н.Файзиев, И.Инамов, Р.Тиллаев, А.Қаюмов, З.Раимжонов, Ш.Имомовлар томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Турли иқтисодий район ва вилоятлар шаҳарлари, шаҳар агломерацияларининг шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг экологик муаммоларига Т.Маллабоев, Н.Маматқулов, Вей Синь, У.Султонов, Р.Аҳмедов, Х.Турсунов, З.Абдалова, С.Зокировларнинг илмий ишларини бағишлиланган. Шу билан бирга шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари айрим вилоятлар аҳоли географияси доирасида Р.Махамадалиев, М.Эрдонов, М.Қодиров, Г.Ходжаева, З.Тожиева, Ш.Жумахоновлар томонидан ўрганилган., аҳоли жойлашувини бошқариш ва ижтимоий инфраструктура тўғрисида В.М.Ческидов ва В.Н.Смирновларнинг номзодлик диссертациялари ёзилган.

Юқоридаги йўналишлардан ташқари иқтисодий ва социал географиянинг бошқа муаммолари ҳам озми – кўпми тадқиқ қилинган. Жумладан, фаннинг умумназарий масалалари, иқтисодий географиянинг асослари ва долзарб муаммолари З.Акрамов, О.Отамирзаев, А.Солиев, А.Қаюмов, Ш.Азимовларнинг ишларида кўрилган. Саноат географияси, минерал ҳом ашё ресурсларидан фойдаланиш, саноат тутуни ва ишлаб чиқариш мажмуаларининг шаклланиши юзасидан Ш.Н.Зокиров, А.Жалилов, Ф.Холматов, У.Содиқов, Х.Маматқулов, И.Тоиров, М.Гапиров, Ф.Обидов, С.Ҳайдаров, Б.Калонов, Ю.Аҳмадалиев, Ю.Саломов, Л.Қаршибоева Л.Эрдоновлар тадқиқот олиб боришиган. Алоҳида вилоят ва кичик ҳудудлар хўжалиги Ф.Муқминов, Э.Тораев ва бошқа мутахассислар фаолиятида ўз ифодасини топган. Шу билан бирга республикамиизда ilk бор аҳолига хизмат кўрсатиш географияси бўйича М.Назаров ва Г.Бекбулатова, фан ва илмий тадқиқотлар географиясига оид Ҳ.Назарова, тиббиёт географияси юзасидан Н.Комиловалар ўзларининг номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда иқтисодий ва социал географиянинг миллий ва регионал марказлари, илмий йўналиш ва мактаблар шаклланмоқда. Бундай марказ ва йўналишлар катта илмий салоҳиятига эга бўлган Тошкентдан

ташқари Наманган, Термиз, Самарқанд, Фарғона ва Қарши шаҳарларида ҳам вужудга келмоқда.

Иқтисодий ва социал географиянинг истиқболдаги ривожланиши ва вазифалари энг аввало Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мустақиллиги ва унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги долзарб муаммоларидан келиб чиқади. Масалан, иқтисодиёт соҳасида: бозор муносабатларгина ўтиш шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, мамалкетни иқтисодий районлаштириш ва унинг минтақавий сиёсатини илмий жиҳатдан яратиш, саноат ва қишлоқ хўжалик географиясини мулкчиликнинг турли шакларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқ этиш, қўшма ва кичик корхоналар, эркин иқтисодий минтақа, қурилиш, транспорт ва ташқи иқтисодий алоқалар географиясини ўрганиш, республика ер – сув, минерал ҳом – ашё ва бошқа табиий ресурсларга иқтисодий жиҳатдан баҳо бериш, табиий оғатлар географияси муҳим мавзулар ҳисобланади. Шунингдек, географлар мамлакатимизнинг фалла (дон), нефт ва йўл мустақиллигига эришувидағи муаммоларнинг ечимиға ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Социал – иқтисодий муаммолар доирасида аҳоли ва меҳнат ресурсларининг ҳудудий таркиби, турли иириклиқдаги шаҳар ва шаҳар агломерациялари, урбанизация жараёнини ўрганиш, савдо, маркетинг, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси бўйича тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, табиатдан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишдаги экологик масалалар, аҳоли миграцияси ва бошқа мавзулар тадқиқ этилиши керак. Айни пайтда қишлоқ жойларининг ижтимоий – иқтисодий ривожланиши, бу жойларда социал инфраструктура тизимини шакллантиришга оид тадқиқотларнинг аҳамияти ҳам катта.

Фанимизнинг жаҳон андозаларига мос равишда ривожланиши ва унинг тўлақонли ижтимоий география мақомида шаклланишида социал муаммоларнинг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланади. Аҳолининг яшаш шароити ва тарзи, урф – одатлари, хулқ – автор географияси, фан, рекреация, дин, тиббиёт ва жиноят географияси шулар

жумласидандир. Бундай тадқиқотлар социология, психология, этнография, хуқуқшунослик ва демография фанлари қиррасида бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви, унинг жаҳон ҳамжамиятида суверен давлат сифатида ўзига муносиб ўрин олиши сиёсий географияга оид мавзуларни ҳам кун тартибига қўйди. Хусусан, мамалкетимизнинг ҳорижий давлатлар билан муносабати (геосиёсати), унинг ички маъмурӣ – ҳудудий тузилмаси, миллий пойтахти – Тошкентнинг сиёсий функциялари ва дипломатик алоқалари, халқаро туризм, электорал (сайловлар) география каби муаммолар кенг ўрганилмоғи зарур. Шу билан бирга фан тарихи ва тарихий географияга доир тадқиқотларни ҳам олиб бориш, иқтисодий ва социал география фанининг назарий – услубий масалалари ҳамда ижтимоий экология бўйича изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Саволлар.

1. Ўзбекистонда иқтисодий география ривожланишининг энг янги тарихи қайси давларни ўз ичига олади?
2. Иқтисодий географиянинг ривожланишидаги асосий йўналишлар қайсилар?
3. Иқтисодий ва социал география тармоқларининг ривожланиши ва географиясини тушунтириб беринг.
4. Республикаизда иқтисодий ва социал география фанининг ривожланишидаги асосий муаммолар ва истиқбол йўналишлар қайсилар?

Мавзу – 10. Ўрта ва олий мактабларда иқтисодий география

Режа

1. Иқтисодий география – ўқув предмети ва фан соҳаси.
2. Янги шароитда иқтисодий географиянинг ўқитилиши.
3. Олий мактабларда иқтисодий география.
4. Ўрта мактаб, коллеж ва академик лицейларда иқтисодий география.

Юзага келган сиёсий ва иқтисодий вазият барча фанлар қатори иқтисодий ва социал географиянинг ўқитилиши, унинг назарий ва амалий ривожланиши борасида қатор долзарб масалаларни олдинга сурди. Ушбу муаммоларнинг ечими энг аввало икки асосий нуқтаи назардан келиб чиқиши керак. Бу ҳам бўлса мустақиллик ва бозор муносабатларига ўтишдир.

Ўзбекистон Республикасининг дунё ҳамжамиятига алоҳида сиёсий бирлик сифатида қўшилиши унинг бу сиёсий мустақилликни таъминловчи иқтисодий имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва улардан тўла фойдаланишини назарда тутади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари эса ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришга бўлган анъанавий ("социалистик") қарашларни, бу йўсиндаги омил ва қонуниятларни тубдан ва қайтадан кўриб чиқишини тақозо этади. Айнан шу икки масала иқтисодий ва социал география фанининг ривожланиши ва ўқитилишидаги асосий вазифаларни белгилаб беради.

Албатта, мазкур фаннинг объекти сифатида ишлаб чиқириш кучларининг ҳудудий тарқалиши ёки таркиби сақланиб қолаверади. Унинг предмети ҳам деярли ўз ҳолича, яъни турли район ёки мамалкатларда ишлаб чиқириш кучларининг ҳудудий ташкил этиш омил ва хусусиятлари, ҳудудий социал – иқтисодий тизим (система)ларнинг шаклланишидаги қонуниятларини ўрганишдан иборатлиги ўзгармайди. Шу боис унинг асосий назарий тушунчалари (ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий районлаштириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, иқтисодий географик ўрин ва бошқалар) ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Баъзан собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши билан илгариги барча назарий тушунчалар ҳам ўз – ўзича барбод бўлади, деган бутунлай нотўғри фикрлар учраб туради. Ваҳоланки, сиёсий тузум, унинг шакли ўзгарсада, фан фанлигича қолаверади. Фақат унинг бош тушунчалари, ўрганиладиган предмети янги социал – иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши, мослаштирилиши керак бўлади, холос. Лекин айрим фанлар борки, уларнинг фан мақомида сақланиб қолиши, туб моҳияти бутунлай ўзгарамади ёки йўқолиб кетади.

Бундай фанлар туркумига ўта сиёсийлашган, илгариги социалистик (коммунистик) гояларни уқтирадиган КПСС тарихи, илмий коммунизм, илмий атеизм кабилар киради. Иқтисодий ва социал географияда эса мазкур фаннинг айни пайтда табиий ва ижтимоий хусусияти туфайли бундай қийинчилек бироз енгил кўчади. Аммо шундай бўлсада, унинг яшовчанилиги ва ҳаётийлигини сақлаб қолиш учун фаннинг мавжуд назарий масалаларини янгича, замонавий талабларни ҳисобга олиб тадқиқ қилиш ва ўрганиш керак.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда барча асосий (фундаментал) тушунчаларнинг ҳудудийлиги, аниқлиги оширилиши лозим. Чунончи, ҳудудий ёки географик меҳнат тақсимоти илгаригидек катта қўламда, "Бутуниттифоқ" миқёсда эмас, Ўзбекистон Республикаси, қолаверса, вилоят ва туманлар доирасида тўғри амалга оширилиши назарда туттилади. Ҳудди шундай, аслида, моҳияттан тўғри бўлган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси гояси жуда катта, улкан (Қуий Амударё, Қашқадарё ва ҳоказо) маконда эмас, балки уни нисбатан кичик ва ихчам жойларда, инфраструктура тизими билан таъминланган ишлаб чиқариш бугинларини тўла вужудга келтирилган шароитда шакллантириш зарур. Дарвоҷе, илгор хорижий мамлакатларда айнан шундай кичик ва маҳаллий ишлаб чиқариш мажмуаларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берилади.

Иқтисодий географиянинг асосий тушунчаси "ҳудудий меҳнат тақсимоти" бўлса, унинг ва умуман географиянинг бош тушунчаси район, районлашгирисидир. Бинобарин, иқтисодий районлаштириш ҳам ўз қўламини, аниқлик даражасини ўзgartирган ҳолда сақланиб қолади.

Тўғри, энди Ўрта Осиё ёки Кавказорти иқтисодий райони йўқ, Белоруссия ёки Қозогистон иқтисодий райони ҳам мавжуд эмас. Ҳозир Ўрта Осиё, Болтиқбўйи, Кавказорти, Белоруссия мустақил давлатлари бор. Бас, шундай экан, иқтисодий районлаштириш мустақил давлатлар доирасида ажратилиши ва у пировард натижада ижтимоий – иқтисодий ривожланишни бошқаришга қаратилиши керак. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий зоналар (минтақалар), йирик, ўрта ва кичик иқтисодий районлар ажратилиши ва улар мамлакат ишлаб чиқирип

кучларини тўгри жойлаштириш, маъмурий – ҳудудий тизимни такомиллаштириш ва халҳ хўжалигини бошқариши сиёсати ҳамда мамлакат иқтисодий ва социал географиясини чуқур, кенг ўрганиш билан боғлиқ равишда амалга оширилиши лозим.

Шу йўсинда оламшумул урбанизация, шаҳарлар тараққиёти жараёнини ҳам маҳаллий шароит ва имкониятлардан, тарихий ижтимоий – иқтисодий ривожланиш, халқ хўжалигини ихтисослашувидан келиб чиқсан тарзда тушуниш тўғри бўлади. Бу жараённинг истиқболини белгилашда қайси бир Европа мамлакат даражасига қаҷонджир етиб олиш, албатта айнан ўша фарбий мамлакатлардаги шароитни ният қилиш қанчалик нотўғри бўлса, ҳар қандай йўл билан қишлоқларни, мавжуд шароитлардан қатъий назар, шошмашошарлик билан шаҳарлар мақомига ўтказиш, сохта (ёлғон) урбанизацияни ривожлантириш ҳам шунчалик ўринсиз ва хатодир. Ўлаймизки, Республика Президенти И.Каримов айтганларидақ, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўли бор экан, шубҳасиз, халқ хўжалиги ҳудудий тузилишининг усутини, қовурғаси бўлган шаҳарлар, урбанизация ривожланишининг ҳам ўзига хос йўли мавжуд. Вазифа – айнан шу йўлларни аниқлаш, уларни илмий жиҳатдан тўла асослаш ва амалиётга тўғри татбиқ этишдан иборатdir.

Иттифоқ йўқолиши билан ўз элимизга эътибор кучайди. Ҳудди тарих дарсида ўз халқимизнинг ўтмишини ўрганишдан, адабиётда ўз миллий аломаларимиз асарларидан бошлаганимиздек иқтисодий ва социал географияни ҳам ўз она юртимизни чуқур билишдан бошламоғимиз зарур. Шунинг учун ҳам ўрта ва олий мактабларда Ўзбекистон Республикасини ўрганиш ҳорижий ёки жаҳон мамлакатлари социал – иқтисодий ва сиёсий географиядан один бошланиши тўғридир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва социал географияси курси икки асосий қисмдан иборат бўлмоғи лозим. Биринчи қисмда фаннинг объекти ва предмети, ўрганиш методлари, тарихий шакланиш жараёни, унинг илмий – назарий асослари (ҳудудий меҳнат тақсимоти, иқтисодий

районлаштириши, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ва хоказо) ўқитилади.

Иккинчи блок бевосита Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва социал географиясига бағишлиган бўлиб, у ҳам ўз навбатида икки қисмдан тузилиши мақсадга мувофиқ. Бу ерда аввал республика иқтисодий географик ўрни, унинг табиий шароити ва фойдали қазилмалари, иқлим ва ерсув захирмалари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, ҳалқ хўжалигининг тармоқлар таркиби ва асосий тармоқларининг иқтисодий географик тавсифи берилиши керак. Мазкур қисм Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий районлаштириши билан ниҳоясига етса, унда том маънодаги географик қисмга "кўприк" ясалган бўлади.

Демак, республика иқтисодий ва социал географиясининг ўқитилишида умумназарий, мамлакат ҳалқ хўжалиги тармоқларидан кейин унинг иқтисодий районларига ўтилади. Ўзбекистон ҳудуди бу борада, энг аввало, 4 та асосий иқтисодий минтаقا ёки зонага ажратилади: Марказий (Тошкент), Шарқий (Фаргона), Жанубий – Фарбий ва Қуйи Амударё ёки Шимоли – Фарбий минтақалари. Бу минтақалар иқтисодий районлардан, улар эса вилоят кўламидаги районлардан ташкил топади. Шу билан бирга ҳудуди катта ва ички хўжалик тузилиши мураккаб бўлган вилоятларда (масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё кабиларда) янада кичикроқ социал – иқтисодий районлар ажратилиши мақсадга мувофиқ. Энг қўйи босқичда эса 160 дан ортиқ қишлоқ маъмурӣ районлари (туманлари) туради ва уларнинг социал – иқтисодий географиясини ўрганиш ҳам катта вазифа ҳисобланади. Бу борада мактаб ўқувчилари хусусан ўзлари яшаб турган туман географиясини яхши билмоқлари зарур.

Ҳозирги замон талабларига кўра иқтисодий ва социал географиянинг ўқитилишида бир қатор асосий йўналишлар борки, улар сиёсий, социал, экология, иқтисодий, тарих ва географиялаштиришдан иборатdir. Ҳар бир дарс мазмуни ҳудди шу масалалар билан бойитилиши керак. Иқтисодий ва социал географиянинг ўқитилишида ҳозирги куннинг сиёсий масалалари, экологик вазияти, аҳолининг яшаш тарзи ва даражаси, унга хизмат кўрсатувчи тармоқлар, миллий урф –

одатларнинг (менталитетнинг) ҳудудий хусусиятлари, шунингдек, бозор иқтисодиётига молик асосий тушунчалар ўқувчиларга ёритилиб бериши зарур. Шу ўринда ўлкамизнинг тарихига ҳам эътибор кучайтирилиши мақсадга мувофиқdir. Тарих ва географиянинг (замон ва маконнинг) бир – бири билан боғлиқлигига қарамай, географиянинг бироз бўлсада тарихи бору, тарихимизнинг географияси ёки тарихий география йўқ ва у яратилиши керак. Дарҳақиқат, араблар ёки мўғуллар истилоси давридаги, соҳибқирон Амир Темур ёки хонниклар вақтида юртимизда хўжалик тармоқларининг аҳволи ва уларнинг ҳудудий тузилишини биз ҳали деярли билмаймиз.

Юзаки қараганда, географиянинг географиялаштириш ибораси кулгили ҳисобланади. Аслида эса бу ерда ҳудудни янада чуқурроқ жойларни ҳар томонлама ва катта масштабли ўрганишлар назарда тутилади. Қизиги шундаки, биология фани кичик бир мавжудотларни, ҳужайрани маҳсус асбоблар (микроскоп) ёрдамида катталаштириб ўрганади. Географияда эса катта ҳудуд – бутун Ер курраси, мамлакат ёки вилоят бир парча қолғозга тушурилиб қаралади. Бу мазмунда айтмоқчимизки, географияда янада анъанавий, катта масштабли комплекс тадқиқотларга ўтиш вақти келди. Жумладан, ўқувчиларнинг географик фикрлашлари мактаб географик майдончаси, ўзлари яшаб турган хўжалик, туман ва вилоят географиясидан бошланиши лозим.

Маълумки, географик фикрлаш, географик маданият турли ҳудудий кўламдаги ҳодисаларни бир – бири билан алоҳадорликда ўрганишда шакланади. У айни пайтда глобал (оламшумуд) ва аниқ, комплекс, ҳудудий (регионал) бўлмоғи лозим. Шу давргача биз улкан, жуда иирик ҳудудларни ўрганиш билан шуғулландигу, ўз юртимизнинг нақадар ранг – баранглигини ўқитмадик. Гап шундаки, илгари Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудида кичик бир жой эди, энди эса унинг ўзи бир дунё! Ана шу дунёни, мустақил мамлакатимиз, жонажон Ватанимизнинг ташқи алоқалари ва ички имкониятларини, жаҳон ҳамжамиятидаги ўсиб бораётган мавқеини, хўжалик тармоқларини, шаҳар ва қишлоқларини, уларнинг ҳудудий тузилишини батафсил

ўргатишимиз мустақиллигимизни янада чуқурроқ англаб олишимизга ёрдам беради.

Мавжуд тажриба шуни күрсатадики, географик билимнинг тўлиқ бўлиши учун фақат раҳамалар ёки географик элементларни (номенклатур география) ёдлаб олиш етарли эмас. Аксинча, бундай ёндашиш зааралидир. Худди шундай – у ёки бу жой географиясини ўрганишда маъмурий чегарани "Хитой девори" сифатида қарааш ҳам хатодир. Чунки, шу маъмурий чегара ортида ҳам табиат, аҳоли жойлашуви, хўжаликнинг ихтисослашуви деярли шундай (масалан, Фаргона водийсини ёки қайси бир қишлоқ туманини ўрганишда). Демак, географияда ҳам система – структура ёки тизим – таркиб услуби яхши ва тўғри қўлланилиши лозим. Айтмоқчимизки, ўрганилаётган обьект – туман, вилоят ёки хўжалик тармоғи айнан бир пайтда ҳам "ёпиқ", ҳам "очик" тизим сифатида унинг яхлит бир бутунлиги ва, ўз навбатида, турли қисмлардан иборатлиги, ташки ва ички, тик ва ётиқ (горизонтал) алоҳалар мавжудлиги ўқувчиларга сингдирилиши зарур.

Географик билимдонлик мезони беҳисоб раҳамаларни ёдлаб олиш билан эмас, балким ҳудудий қонуниятларни аниқлаш билан белгиланади. Шу ўринда, масалан, мазкур фаннинг бош масаласи географиями ёки жўпрофия, океанми ёки уммон каби бемаҳсул баҳслардан воз кечиш керак. Аксинча, ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий тузилиши ва таркиби, табиий бойликлар, аҳоли ва хўжалик тармоқларининг жойлашуви, улар ўртасидаги қонуний алоҳадорликларни ўрганиш муҳимроқдир.

Албатта, давлат тили маҳомига эга бўлган ўзбек тилининг соғлиги, нафис ва жозибалигини тиклашимиз ва сақлаб қолишимиз зарур. Аммо тилимизни энг аввало хорижий (ажнабий) сўзлардан тозалаш керак, ҳалқаро мазмунга эга бўлган илмий тушунча ёки атамалардан эмас. Шу билан бирга шаҳар ва қишлоқлар, дарё ва қўлларни илк тарихий номларига қайтариш лозим. Лекин Солдатский – Аскарлик, Красногорскийни Қизилтоғ Жилгородокни "яшаш шаҳарчаси"га тўғридан – тўғри ўтириш ҳам кулагили ҳолдир. Агар уларнинг эски номи бўлмаса, ўз ҳолича қолавергани маъқул, чунки бу ҳам тарихдир. Худди шундек, иқтисодий районларни иқтисодий ноҳия ёки туман шаклида ҳам

ишлатиш ҳам ўта нотўғридир. Агар жуда ҳарур бўлса ноҳия ёки туман атамаларини фақат қуий маъмурий бирликларга — қишлоқ районларига нисбатан қўллаш мумкин, холос. Қолган барча ҳолларда маълум умумийликка эга бўлган реал ҳудудий борлиқлар райондир.

География фанининг имкониятлари катта. Улардан тўла фойдаланиш умуминсоний аҳамиятга молик. Зоро, бу фанинг тарбиявий, миллий мағқурани шакллантиришда роли бекиёсдир. Ушбу фанинг серқирралиги, бир қарашда бутун бир ҳудудий мавжудотни тўла ва уни ички хусусиятлари билан қамраб олиши барча "қўшни" фанлар билан алоқада бўлишини тақозо этади. Чунончи, ҳозирги пайтда географиянинг тарих, сиёsat, иқтисодиёт, психология, социология, демография сиёsatшунослик ва бошқалар қиррасида ўрганилиши унинг янги—янги йўналишларини очиб беради.

Географик ўрганишнинг асосий мақсадларидан бири ҳар бир жойнинг у ёки бу соҳага қулай ёки ноқулайлигини аниқлашдан иборатдир. Шу боис, айтиш мумкинки, табиатда умуман, мутглақ ёмон жой йўқ, балки ёмон ёки нодон географ бордир. Ахир, тоф ҳам яхши, текислик ҳам, қуруқлик ҳам, сув ҳам, шаҳару—қишлоқ ҳам яхши. Бундай геопара (геожуфтлик) айниқса, биргалиқда, ўзгача яхши ва улар оламнинг борлиги ва бутлиги, яхлитлиги ва ҳаракатчанлигини таъминлади. Иқтисодий география ҳам табиий географиядек ҳудудий нотекисликлар, нобаробарлик билан шуғулланади. Чунки, ҳамма жой бир хил бўлганда, географиянинг ўзи ҳам бўлмасди. Ҳудди шундай, бутун ўтмиш айнан бир—бирига ўхшаш йиллар ва кунлардан иборат бўлганда, тарих ҳам бўлмас эди. Аммо иқтисодий географиянинг илгариги ривожланишида биз фақат ана шу нотекисликларни (аҳоли жойлашуви, урбанизация жараёни, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва б.) оптималаштиришга, текислашга (нивелирлашга) ҳаракат қиласар эдик. Аслида эса, айниқса ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ижтимоий—иқтисодий ривожланишининг негизида макондаги тенгсизлик, ҳудудий нобаробарлик, ҳудудий рақобат ётади.

Мадомики мутлоқ ҳудудий тенглик, биртуслик йўқ экан, географиянинг бош мақсади ана шу ҳудуднинг ички

хусусиятларини, уларнинг келиб чиқиши сабаб ва қонуниятларини ўрганишдан иборатdir. Ўқувчиларнинг ҳам айнан шу йўналишда географик фикрлашларини шакллантириш лозим.

Ҳар қандай фаннинг ўқитилиши авваламбор ўқув дастурлари маъruzалар матни ва қўлламаларисиз бўлмайди. Бу борада иқтисодий ва социал география олдида талайгина муаммолар мавжуд. Гап шундаки, ҳозирги кунда давлат тили – ўзбек тилида умумтаълим мактабларида ҳам, ўрта махсус ва олий юртларида ҳам ушбу ўқув предмети бўйича дарслклар жуда оз. Саккизинчи синф учун фақат З.Акрамов ва П.Мусаевларнинг "Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси" ва олий ўқув юртлари талабларига мўлжалланган Г.Асанов, М.Набиҳонов, И.Сафаровлар ҳамкорлигида ёзилган "Ўзбекистоннинг итисодий ва ижтимоий жуғрофияси" бор, холос. Яқинда ташкил қилинган коллеж ва академик лицейларда эса аҳвол янада мураккаброқ – ҳозирча уларда география ва шу жумладан иқтисодий география қай даражада ва йўналишда ўқитилиши унча анику – равшан эмас.

Айтиш лозимки, иқтисодий географиядан дарслк ёзиш ўта маъсулятли ва мушкул иш; ушбу фаннинг ўзига хос хусусиятлари – ҳаракатчанлиги (динамиклиги), сиёsat ва статистика, экология билан алоқадорлиги ҳар қандай дарслк олдидағи қийинчиликларга сабабчи бўлади. Унинг устига, ўтиш даврида иқтисодий ривожланишининг унча барқарор эмаслиги, пулнинг бироз қадрсизланиши оқибатида маҳсулот қийматининг турли йиллардаги реал ҳолатини ўзгарувчанлиги, горизонтал алоқалар (ишлаб чиқариш кооперацияси)нинг вақтинча бузилганлиги оқибатида батзи соҳаларда ўсишнинг деярли тўхтаб қолганлиги каби масалалар дарслк муаллифларини ниҳоятда қийин вазиятга туширади. Қолаверса, аввалги бандларда таъкидлаганимиздек, ишлаб чиқаришни ташкил этишининг ижтимоий ва ҳудудий шакллари: мужассамлув, ихтисослашув, кооперация (ҳамкорлик), комбинатлашириш, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, саноат парки ва тутунлари, ўсиш қутб ва марказлари, технополис, ягона иқтисодий макон, агросаноат мажмуалари, игфраструктура

тузилмасига ўхшаш анъанавий ва замонавий тушунчалар янгича талқин қилинишни талаб қиласи.

Ана шундай шароитда яратилган ўқув дарсликларида баъзи бир камчиликлар бўлиши табиий. Чунки, бу соҳада, яъни илмий мафкура ва дунёқарашда ҳам ўзига хос ўтиш даври кечмоқда. Бинобарин, республикамиз иқтисодий географиясининг чуқур ва кенг, унинг ички турли – туманлиги ва бойликлари, ранг – баранглигини тўлақонли даражада таърифловчи ва тавсифловчи ҳаммабоп дарсликларни тайёрлаш барчамизнинг олдимизда турган асосий масаладир. Шу боис келажакда янги – янги, такомиллашган дарсликлар турининг кўпайиб бориши, аста – секин Ўрта Осиё давлатлари ва ҳатто дунё мамлакатлари иқтисодий ва сиёсий географияси тўғрисида ҳам дарсликлар яратилиши айни муддаодир.

Шу билан бирга турли хўжалик тармоқлари ва ҳудудларига бағишлиланган ўқув қўлланмалар ва методик кўрсатмаларни тайёрлаш ҳам катта амалий аҳамиятта эга. Чунончи, саноат, қишлоқ хўжалиги, шаҳарлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географиясига оид ҳамда алоҳида вилоят ва иқтисодий районлар таърифига доир ўқув қўлланмаларининг яратилиши ўқувчи – талабалар билимларининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ҳозирга қадар айrim ҳудудлар – Самарқанд, Хоразм, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа вилоятлар географияси тўғрисида ҳар хил ҳажмдаги қўлланмалар тайёрланган. Ҳатто Қиброй туманининг иқтисодий ва ижтимоий харитаси ҳам нашр эттирилган. Бу, албатта, таҳсинга лойиқ ишлардир. ва улар Ватан географиясини чуқурроқ ўрганишга асос бўлиб хизмат қиласи.

Собиқ Иттилоғ давридаги олий ўқув юртлари дастурларида "Ўз ўлкасини ўрганиш"га ҳам соат ажратиларди ва ўлка сифатида Ўзбекистон тушуниларди. Энди эса геосиёсий вазият тамомила ўзгарди: ватанимиз том маънода Ўзбекистон, ўлкамиз эса яшаб турган жойимиз – вилоят ва районлар бўлди. Демак, уларни ҳам атрофлича ўрганиш вақти етди, зеро, "Ватан осто надан бошланади" дейишади.

Аммо, талаба ва ўқитувчиларимизга бу хусусда ҳамма вақт нимадир етишмай келган: авваллари соат етишмаган бўлса, энди эса ўқув материаллари кам. Қолаверса, мамлакат географиясини ўқитиш учун ҳозирча ўқув харита ва атласлар ҳам оз. Шунинг учун умумий ўрта, ўрта маҳсус ва олий мактаблар олдида турган долзарб муаммолар ҳам ўз ечимини топмоғи лозим.

Дарсликлар мазмунидаги ўқитиш жараёнида география, шу жумладан иқтисодий географиянинг ўқув предмети ва унинг айни пайтда алоҳида фан эканлиги, таълим – тарбия билан биргаликда илму – фан элементлари ҳам юқорига борган сари кўпайиб ва чуқурлашиб бориши керак. Айтмоқчимизки, талабалар иқтисодий географияни фақаттинга дунё борлигини билиб оловчи оддий ўқув предметигина эмас, балки бу борлиқ сирлари ва қонуниятларини ўргатувчи алоҳида ва замонавий фан даражасида ҳам англамоқлари зарур.

Республикамида 1997 йилда қабул қилинган Таълим тўғрисидаги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш олинадиган билимларнинг анча "ёшариши" ва замонавийлашувини назарда тутади. Мамнунлик билан қайд этиш жоизки, ҳозир ҳам мамлакатимиз вакиллари турли фанлар бўйича ўтказилаётган ҳалқаро ўқув олимпиадаларида юқори кўрсаткич ва натижаларга эришмоқдалар. Бу, албатта, ўқитувчиларимизнинг ўз қасбига фидоийлиги, сидқи дилдан хизмат қилишлари маҳсулидир.

Шубҳасиз, эришилган ютуқлар ўзимизники, улар келажаги буюк бўлган Ўзбекистон учун хизмат қиласди. Шу билан бирга умумтаълим мактабларда, коллеж, академик лицей ва олий ўқув юртларида билим ва илм, таълиму фан муштараклигини таъминлаш, уларни ўзаро ўйгуналаштирилган ҳолда олиб бориш керак.

Билим олиш узлуксиз жараён, унинг доираси киши ҳаёти давомида кенгайиб бораверади. Айни вақтда тобора катталашган билим доираси шунга мувофиқ, янади каттароқ ноаниқликка, мавҳумликка тақалаверади. Демак, қанча кўп билсак, яна ундан ҳам кўпроқ билмаслигимиз, била олмаслигимиз аён бўлаверади.

Билим кенгайиб бориши, тўпланиши ва йиғилиши, бинобарин, у миқдори кўрсаткичлар билан белгиланса, илму фан олган билимларни таҳлилу ташҳис, чуқур идрок ва мушоҳада қилиш каби сифатий мезон билан ифодаланади. Тўпланганди билим "қайта ишлангандан" (илмий монография, дарсликлар ёзиш, аспирантлар тайёрлаш ва бошقا шаклларда) сўнг, яъни сабаб-оқибат алоқадорлиги, объектив қонуниятларни англаб олинганидан кейингина у фанга, илму-амалга айланади. Шу нуқтаи назардан илм билимнинг натижасидир; билим ўзининг кенглиги билан, илм эса чуқурлиги билан тавсифланади. Билим тоғ бўлса, илм унинг чўққисидир, билим агар океан бўлса, илм унинг энг чуқур нуқтасидир. Илм муайян тартибга ва тизимга солинганди билим демакдир.

Муайян йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлар, назарий-услубий ва методик асослар мажмуаси алоҳида фанларнинг шаклланишига олиб келади. Бу ўринда фан илмнинг ҳосиласидир.

Бироқ билимни киши фақат китобдан эмас, балки ҳаётдан олиши ҳам зарур, зеро ҳаёт мактаби, кундалик жонли мушоҳада баъзан барча манбалардан ҳам муҳимроқ ва бойроқ. Қолаверса, китоб ҳам қачондир объектив борлиқ, ҳаётдан олинган. Аммо, билимдан кишиларнинг ҳамалари ҳам илм чўққиларига эришавермайди, олим бўлиш дараражасига етишмайди. Бу янада машаққатлироқ ва мураккаброқ фаолиятдир. Ана шундай мушкул, айни чоғда жамият тараққиёти учун маъсуллиятли ва шарафли ишларга ҳам ўқувчиларимизни, иктидорли талабларни жалаб қилиш ва тайёрлаш замон тақазосидир.

Саволлар

1. Иктиносидий географиянинг олий мактабларда ўқитилишидаги умумий муаммолар қайси?
2. Иктиносидий географиянинг ўқитилишида қандай йўналишлар бор?
3. Ўзбекистонда иктиносидий ва социал география предмети Ўрта мактабларда қандай ўқитилмоқда?
4. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг аҳволи қандай?

АДАБИЁТАР

- 1.Бабурин В.Л., Мазуров Ю.Л, Географические основы управления. - М., 2000
- 2.Витвер И.А. Избранные сочинения. -М.,1998.
- 3.Гаджиев К.С. Введение в geopolитику. -М.,1998.
- 4.Голубчик М.М., Евдокимов С.П., Максимов, Г.И., История географии. -Смоленск, 1998.
- 5.Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. -М.,2000.
- 6.Григорьев А.Г. География в современном мире. -М.: Просвещение, 1999.
- 7.Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
- 8.Максаковский В.П. Историческая география мира. -М., 1999.
- 9..Максаковский В.П. Географическая культура. -М., 1998.
- 10.Машбиц Я.Г. Основы страноведения. -М.: Просвещение, 1999.
- 11.Прохоров Б.Б. Прикладная антропоэкология.-М., 1998.
12. Радионова И.А. Экономическая география и региональная экономика. -М., 2001.
- 13.Ратанова М.П. Экологические основы общественного производства. -Смоленск, 1999.
- 14.Саушкин Ю.Г. Экономическая география: теория, методы, практика. -М: Мысьль,1978.
- 15.Саушкин Ю.Г. Избранные труды. Смоленск, 2001.
- 16.Солиев А., Маллабоев Т. Иқтисодий ва социал географияда айrim қонуниятларни ўрганиш методикаси. - Т.,1988.
- 17.Солиев А. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг долзарб масалалари. - Т., 1995.
- 18.Солиев А., Маҳамадалиев Р.Й. Иқтисодий география асослари. - Т., 1996
- 19.Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. - Т.,1999.
- 20.Шаригин М.Д. Основные проблемы экономической и социальной географии.-Пермь,1997.
21. Гуломов С., Убайдуллаева Р., Аҳмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. -Т.: Меҳнат, 2001.

М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши.....	3
Мавзу 1. Иқтисодий ва социал географиянинг ҳозирги замон мазмуни.....	6
Мавзу 2. Бозор иқтисодиёти ва иқтисодий география.....	10
Мавзу 3. Иқтисодий ва социал география фанининг асосий принциплари: ҳудудийлик ва комплекслик.....	13
Мавзу 4. Иқтисодий географияда тарихийлик, экологик ёндошув ва демографик принцип.....	18
Мавзу 5. Иқтисодий районлаштиришнинг долзарб муаммолари.....	24
Мавзу 6. Саноат ишлаб чиқиришининг ижтимоий ташкил этиш муаммолари.....	31
Мавзу 7. Демографик жараёнлар ва ижтимоий – иқтисодий муаммолар (Ўрта Осиё республикалари материаллари асосида).....	36
Мавзу 8. Ўрта Осиё мамлакатларида аҳоли жойлашуви муаммолари.....	41
Мавзу 9. Ўзбекистонда иқтисодий ва социал география фанининг ривожланиши.....	51
Мавзу 10. Ўрта ва олий мактабларда иқтисодий география.....	58
Адабиётлар.....	70

Босишга рухсат этилди 19 04 2002. Ҳажми 4,5 босма табоқ.
Бичими 60x84 1/16. Адади **200** нусха. Буюртма **268**.
М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
босмахонасида чоп этилди.

